

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА СОБИРА ЭШҚУРБАНОВНА

АБДУШУКУР ШУКУРИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 821.512.133(092)Шукурий А.(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Жўраева Собира Эшқурбоновна

Абдушукур Шукурийнинг адабий мероси.....3

Juraeva Sobira Eshqurbanovna

The literary heritage of Abdushukur Shukuri.....29

Жураева Собира Эшқурбоновна

Литературное неаследие Абдушукура Шукури.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА СОБИРА ЭШҚУРБАНОВНА

АБДУШУКУР ШУКУРИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.00.02 – ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1. PhD/Fil.706 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ҳаққулов Иброҳим Чориевич, филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Жабборов Нурбой Абдулҳакимович, филология фанлари доктори, профессор Қобилова Зебо Бакировна, филология фанлари номзоди, доцент
Ётақчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил **30 декабр** да соат **14⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871)233-36-50; fax: (99871)233-7144; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “ _ ” _____ да тарқатилди.
(2020 йил “ _ ” _____ даги _ -рақамли баённомаси.

Б.А.Назаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.Каримов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., академик



КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида муайян миллат маънавий меросига сезиларли ҳисса қўшган ижодкорлар асарларини бирламчи қўлёзма манбалар асосида ўрганиш, уларнинг миллат мумтоз адабиётидаги ўрнини белгилаш, адабий меросини авлодларга етказиш анъанавийлик ва издошлик нуқтаи назаридан муҳим илмий-назарий ва амалий моҳият касб этади. Бу эса истеъдодли адибларнинг ижодий меросини халққа етказиш ҳамма вақт долзарб аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади.

Дунё адабиётшунослигида бу борада амалга оширилаётган илмий изланишлар кўп йиллик тарихга эга бўлиб, мумтоз адабиёт хазинасини доимо янги манбалар билан тўлдириш ва бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунончи ҳар бир халқнинг у ёки бу тарзда миллий адабиётнинг муайян даврдаги тараққиётига қўшган ҳиссаси билан ажралиб турадиган ҳамда ушбу давр адабиётининг ўзига хосликларини белгилайдиган адабий мероси мавжуд ижодкорлари кам эмас. Айниқса, адабий мероси турли сабабларга кўра тўлиқ ўрганилмаган ёки ҳар хил манбалар орқали чала етиб келган ижодкорлар асарларини бирламчи манбалар асосида тиклаш ва илмий муомалага олиб кириш юзасидан устувор йўналишларда илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида, айниқса, истиқлол шарофати билан миллий, маданий, адабий, тарихий ва диний кадрятларимизни тиклаш, хусусан, маънавий бойликларимиз бўлмиш адабий меросни чуқурроқ ўрганишга замин яратилди. Бунинг натижасида эса миллий меросимизни изчил ўрганиш, таҳлил этиш, ундан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш адабиётшунослик фанининг муҳим йўналишига айланди. “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”¹. Мумтоз адабиётимиз анъаналари давомчиси сифатида ижод қилган Бухоро адабий муҳити шоири Абдушукур Шукурий ҳам шулар жумласидандир. Абдушукур Шукурий ўзбек ва форс-тожик тилларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган зуллисонайн шоирлардан саналади. Мустақилликдан сўнг мумтоз адабиётимизнинг очиқ қолган саҳифаларини янгича қарашлар ва мезонлар асосида тўлдириш эҳтиёжи Шукурий ҳаёти ва ижодини ўрганишни ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўяди. Чунки бугунгача Шукурийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган яхлит тадқиқот яратилган эмас, адабий мероси ҳам тўла ҳолда нашр этилмаган. Шоирнинг салмоқли адабий мероси ва санъаткорлик маҳоратини ўзбек тилидаги ижоди мисолида ўрганиш ўзбек адабиётшунослигидаги ушбу кемтикликни муайян даражада тўлдиради.

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4-август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4871-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги 124-Ф-сон фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Зуллисонайн шоир Шукурийнинг ҳаёти ва ижоди ўзбек, тожик ва туркман олимлари томонидан XX асрнинг қарийб иккинчи чорагидан эътиборан изчил тадқиқ этиб келинмоқда. Р.Возех, Ҳашмат, С.Айний, А.М.Мугинов, М.Аннамуҳамедов, Ё.Исҳоқов, Қ.Тоҳиров каби қатор олимларнинг тадқиқотларида Абдушукур Шукурий ижодига алоҳида эътибор қаратилган¹.

Рус тилидаги “Жаҳон адабиёти тарихи”нинг 9-жилдида Шукурий туркман адабиёти намояндаси сифатида қайд этилиб, унинг ижоди ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Абдушукур Шукурий XVIII аср охирларида туғилган. Унинг ижоди асосан, ишқ-муҳаббат ва ижтимоий мавзуларга оид ғазал ҳамда маснавийлардан иборат бўлиб, у жамиятни алдам-қалдам, ёлғон-яшиқ сўзлайдиган инсонларгина яшай оладиган чархпалак доирага – даҳрга қиёс қилади. Шоир сарой ҳаётини ва унинг ички

¹ Қаранг: Раҳматулло Возех. Тухфатул аҳбоб фит-тазкиратул асҳоб (Пўлатжон Қайюмий. Тухфат ул аҳбоб фи тазкиратил асҳоб (Возех асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. – Тошкент: ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди. 2304-қўлёзма); Мир Сиддиқ ибн Ҳашмат. Тазкират уш-шуаро. – Тошкент: ФАШИ фонди. 2728-қўлёзма. 81-варақ; Садриддин Айний. Намунаи адабиёти тожик. – Тохрон, хижрий 1385. – С. 10; Мугинов А.М. Уникальное собрание поэтических сочинений среднеазиатского поэта XIX в. Шукури / Изв. АН Туркменской ССР, 1959. – Т. 6. – С. 125; Аннамухамедов М. Из истории литературы Восточного Туркменистана XIX в. (Зинхара, Аллахи, Шукури): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1967; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 266-292; Тоҳиров Қ. Абдушукур Шукурий ҳаёти ва ижоди ҳақида / Адабиёт ва ҳаёт. 2-китоб. – Самарқанд, 1977. – Б. 47-52; Тоҳиров Қ. Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир. – Самарқанд, 1977. – Б. 49-54.

тартиб-қоидаларини яхши биларди. У ўзининг қатор маснавийларида сарой феодал муҳитини қаттиқ танқидга олади”¹.

Шукурий ҳақидаги маълумот “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”²да ҳам мавжуд. Унда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Демак, Шукурийнинг ҳаёти ва адабий мероси ўзига хос аҳамиятга молик бир манбаки, уни ўрганиш ва халқимизга имкон қадар тўлиқ ҳолида тақдим этиш адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шоир девонида гарчи ғазал ва маснавий катта ўрин тутса-да, XIX аср тазкиранавислари уни кўпроқ таърих жанрининг устаси сифатида тилга оладилар. Унинг девонида қитъа, маснавий, ҳатто ғазал ва қасида шаклида ёзилган ўнлаб таърихлар мавжуд. Лекин ҳозирга қадар Шукурий адабий меросини алоҳида ёритган яхлит монографик тадқиқот яратилган эмас. Шоир девони кўлёзма нусхаси биринчи марта махсус ва монографик йўсинда текширилиши ҳамда шу асосда ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Шукурий адабий меросининг асосий хусусиятлариг очиб берилиши, ундаги етакчи тамойилларнинг белгиланиши диссертацион ишнинг муҳим аҳамиятини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режалари, жумладан, ФА – Ф1-Г039 “Алишер Навоий (икки жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Зуллisonайн шоир Шукурий ҳаёти ва фаолиятини турли манбалар ҳамда “Девон”идаги янги маълумотлар асосида ёритиш, унинг ўзбек ва тожик тилидаги адабий мероси кўламини жанрлар таркибини аниқлаштириш, XIX аср ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрнини белгилаш, ижодий ўзига хослигини анъанавийлик ва бадиий маҳорат нуқтаи назаридан илмий асослашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шукурий “Девон”ининг Тошкент ва Ленинград кўлёмалари ва турли тазкиралардаги янги маълумотлар асосида шоирнинг XIX аср ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрни ва адабий жанрлар ривожига хизматларини белгилаш;

Шукурий “Девон”идан ўрин олган туркий ва форсий мероси жанрий таркибини тасниф қилиш асосида шоир ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳоратни аниқлаш;

Шукурийнинг рубоий, қитъа, мухаммас, мусаддас сингари турли жанрлардаги асарларининг бадиий хусусиятларини очиб бериш;

шоир таърих ва маснавийларининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, тарихий-бадиий қимматини илмий асослаш;

Шукурийнинг XIX аср Бухоро адабий муҳитининг таниқли вакиллари Шавқий, Ҳумулий, Вола, Хиромийлар билан яқин ижодий

¹ История Всемирной литературы. 9-том. – М., 1983–1984.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2000–2006. – 8344 б.

муносабатда бўлганлиги асосида унинг ушбу давр Бухоро адабий муҳитида тутган ўрнини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини Шукурий девонининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 5022-рақамли қўлёзмаси, Санкт-Петербург қўлёзмалар институтида сақланаётган 1581-рақамли қўлёзмаси ҳамда унинг шеърлари киритилган ўндан зиёд тазкира ва баёзлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Шукурийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, девони қўлёзмасини табдил этиш, девонга киритилган жанрларнинг хусусиятларини аниқлаш, ғазалларининг бадий қиммати, ўзига хос томонларини таҳлил ва тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Абдушукур Шукурий адабий меросини тадқиқ этиш жараёнида таснифлаш, тавсифлаш ва қиёсий-тарихий каби методлардан фойдаланилди. Мавзуни тадқиқ этишда умумметодологик ва қиёсий-таҳлилий усулларга асосланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шукурийнинг девони қўлёзма нусхалари ҳамда тазкиралардаги янги топилган маълумотлар асосида унинг мухтасар илмий биографияси яратилган ва адабий мероси таркиби белгиланган;

Шукурий девони Тошкент ва Ленинград қўлёзмаларининг таснифи асосида Тошкент қўлёзмаси нисбатан мукамаллиги ва жанрлар таркибининг ранг-баранглиги билан ажралиб туриши аниқланган;

Шукурий XIX аср Бухоро адабий муҳитининг таниқли намояндаларидан Шавкий, Ҳумулий, Вола, Хиромийлар билан яқин ижодий муносабатда бўлганини аниқлаш асосида унинг ушбу давр ўзбек адабиётидаги ўрни белгиланган;

шоирнинг ўзбек тилидаги адабий меросининг умумий ҳажми, жанрий таркиби аниқланган, мавзулар қўлами таснифланган, ғоя ва образлар олами, давр адабий муҳитига хос бўлган етакчи тамойиллар кўрсатилган;

Шукурийнинг Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил каби буюк салафларидан таъсирлангани, улардан ижодий ўргангани, ғазалларига татаббулар ёзгани мисолида шоир ижодида анъанавийлик ва бадий маҳоратнинг ўзига хослиги очиб берилган;

Шукурийнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси таърих жанридаги бетақроп ва мазмундор асарларида намоён бўлиши, шоир таърихларида замонасининг қатор муҳим ҳодисалари ўзининг бадий инъикосини топгани кўрсатилган;

Шукурий шеърлятида қўлланган ташбеҳ, таносуб, муболаға, ҳусни таълил сингари бадий санъатлар орқали шоирнинг бадий маҳорати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Шукурий – зуллисонайн ижодкор, соҳиби девон шоир сифатида мумтоз адабиётимиз тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган шоир эканлиги ижодкор девонининг иккита қўлёзма нусхаси мавжудлигида кўрсатилган, унинг 5022-

рақамли Тошкент девони қўлёзмаси жорий ёзувга табдил этилиб, китоб ҳолида нашр қилинган ва илмий муомалага киритилган;

Шукурий Навоий ва Фузулий ижодини чуқур ўрганган шоир сифатида улар ижодидан таъсирланиб, уларнинг анъаналарини муваффақиятли давом эттирган ҳолда бетакрор асарлар яратганлиги. улар анъаналарини янгича қарашлар билан бойитганлиги кўрсатилган;

Шукурийнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси таърих жанридаги асарларида намоён бўлиши, шоир таърихларида замонасининг қатор муҳим ҳодисалари ўзининг бадиий инъикосини топгани илмий асосланган;

Шукурий ғазаллари, рубойлари, мусаммат ва маснавийлари бадииятини тадқиқ этиш асосида шоирнинг ўзига хос ижодкор эканлиги очиб берилган;

Шукурийнинг XIX аср Бухоро адабий муҳитининг таниқли вакиллари Шавқий, Ҳумулий, Вола, Хиромийлар билан яқин ижодий муносабатда бўлганлиги аниқланиб, унинг ушбу давр Бухоро адабий муҳитида тутган ўрни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, адабиётшуносликнинг энг сўнгги илмий ютуқлари асосида матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги, Шукурийнинг ЎЗР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 5022-рақамли “Девон”и қўлёзмаси табдил ва тадқиқ қилиниб, илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аввало, Абдушукур Шукурий адабий меросининг илмий муомалага киритилгани, ўзбек адабиётшунослигида илк бор унинг илмий биографияси яратилгани, Бухоро адабий муҳитига доир янги маълумотлар берилгани билан белгиланади, Шукурий адабий меросини жанрлар таркиби, мавзу кўлами ва образлар олами жиҳатидан текшириш, асарлари бадиияти ва шоир маҳоратини ўрганиш, адабий анъана ва ўзаро таъсир борасида илгари сурилган фикр-қарашлар ўзбек адабиёти тарихи, қиёсий адабиётшунослик, адабиёт назарияси, матншунослик, манбашунослик, навоийшунослик, тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари фанларини янги маълумотлар билан тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишнинг материали ва умумлашма хулосалари ўзбек мумтоз адабиётининг тараққиёт босқичларини ўрганиш ва тарихини яратишда, олий ўқув юртлари, коллежлар ва академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари учун шу фан бўйича дарслик ва қўлланмаларни тўлдиришда, олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курс, семинарлар ташкил этиш, маърузалар ўқишда қўшимча манба вазифасини ўтайди, ўзбек адабиёти тарихи, шоир ижодига бағишланган рисола, дарслик ва қўлланмалар тузишда, адабий портрет яратиш ҳамда назарий муаммолар таҳлилин тўлдиришда янги материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Шукурийнинг адабий мероси” мавзусида эришилган илмий хулосалардан Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА–ФІ–ГО39 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 2 октябрдаги 3/1255-2108-рақамли маълумотномаси). Хусусан, лойиҳада тадқиқотнинг:

ХІХ аср ўзбек адабиёти таракқиётида Абдушукур Шукурий ижодий меросининг ўрганилиши;

шоир маҳоратининг шаклланишида роль ўйнаган асосий омиллар, жумладан, Алишер Навоийнинг ижодий таъсири;

янги ўзбек адабиётининг юзага келиш омиллари, Шукурий ижодининг жанр ва мавзулар таснифи, адабий мезон ва жанрларнинг янгиланиши, поэтик шаклларнинг ўзгариши жараёнида бевосита Алишер Навоий анъаналарининг намоён бўлганлиги ифодасини топган материаллардан, хусусан, “Шукурийнинг адабий мероси” (2011), “Шукурий ижодида анъана ва янгилик” (2018) каби мақолалардан фойдаланилган;

тадқиқот илмий натижаларидан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2017–2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-77 “100 жилдлик “Ўзбек адабиёти дурдоналари”ини нашрга тайёрлаш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада ҳам фойдаланилган. Лойиҳа доирасида Абдушукур Шукурий “Девон”и кириш сўзи ва изоҳлар билан тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуман маърузаларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола нашр этилган. Улардан 1 таси хорижий журналда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Шукурий асарларида биографик талқин ва шоир адабий меросининг кўлами” деб номланган биринчи боб икки фаслни ўз ичига олади. Биринчи фасл “Шоир асарларида биографик талқин” деб номланади. Бу фаслда Абдушукур Шукурий ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги илмий тадқиқотлар ўрганилди.

Маълумки, XVIII аср ўрталарида Марказий Осиёда учта хонлик юзага келиб, Бухоро хонлигидаги ижтимоий-сиёсий муҳит анча ночор ҳолатда бўлган. Амир Насруллохон ҳукмронлиги даврида эса халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши янада оғирлашган. Насруллохоннинг Қўқон хонлигига қарши юришлари ва шафқатсизликлари қатор ижодкорлар асарларида ҳам аксини топди. Улардан бири ўз даврининг илғор ва пешқадам қалам соҳиби Абдушукур Шукурий эди. Давр ва замон бир жойда тўхтаб қолмаганидек, вақт ўтиши билан адабиётда ҳам сезиларли силжиш ва ўзгаришлар юз берди. Натижада, ўзбек ва тожик тилида қалам юритган ижодкорларнинг сафи кенгайди. Тожик адабиётшуноси Расул Ҳодизоданинг китобида XIX аср илмий-адабий манбалари ҳақида муфассал маълумот берилган. Уларда, хусусан, Возех, Ҳашмат, Айний тазкираларида Шукурий ҳақида мухтасар фикр-мулоҳазалар мавжуд. Масалан, Возех шундай дейди: “Шукурийнинг исми шарифи – Абдушукур, жаннатсифат Самарқанднинг мутававтинларидан. Илм ололмаганига қарамай, яхши таъби бор. Равонлик ва софгўйликда оби ҳаётдан ҳам ўтиб тушган. Шерни тез айтиши ва ёқимли мазмуни барча тоифага мақбул”¹.

Маълум бўлаётирки, Шукурий ўзига хос ифода услубига эга шоирлардан бўлган. Ҳашмат эса, унинг шоирлик салоҳиятига янада юқори баҳо беради ва у қадар гўзал сўз айтгувчи йўқ эди, – дея таъкидлайди. Бундан ташқари Садриддин Айний “Намунаи адабиёти тожик” асарида Шукурий ҳақида тўхтаб ўтган ва тожикча бир ғазалини келтирган. Унда қуйидаги байтлар бор:

*Тире зи гамза сўи ман он турк шаст дод,
Бар қалби садди тавбаи ман сад шикаст дод.
Жоме надод соқиву аз даст шуд дилам,
Боз ин чи ҳол буд, ки имрўз даст дод.
Шаб дар бағал нигору ба дастаи шароб буд,
Бедор гаштам аз сари шоди, ки хоб буд².*

Мазмуни: “У турк (махбуба) гамза ўқини мен сари отган эди, қалбим деворига шикаст етди. Соқий қадаҳ тутмагач, дилим унинг-ла кетти. Бу не ҳолки, у яна илтифот айлаб, менга қадаҳ узатти. Тунда нигор оғушида-ю, қўлимда қадаҳ эди, шодлигимдан уйғониб кетдим, афсуски, бу бир туш экан”.

Шукурий ижодига қизиқиш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, айниқса, кучайди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида 1959 йилда туркман олими А.М.Мугиновнинг Шукурийга бағишланган мақоласида илк марта

¹ Раҳматулло Возех. Тухфатул аҳбоб фит-тазкиратул асҳоб. ФАШИ; Пўлатжон Қайюмиёнинг “Тухфат ул аҳбоб фи тазкиратил асҳоб” (Возех асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. № 2304 қўлёзма).

² Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Д., 2010. С. 210–211.

маълумотлар берилган. Кейинроқ, 1967 йилда яна бир туркман тадқиқотчиси М.Аннамухамедов номзодлик диссертациясида Зинҳорий, Аллоҳий сингари шоирлар қаторида Абдушукур Шукурий ҳаёти ва ижодига ҳам тўхталиб, шундай дейди: “Шукурий лирик шеърларининг маълум қисмини ҳасби ҳол мазмунидаги мисралар ташкил этади. Шоир ўз маъшуқасидан айрилгани, тақдир тақозоси билан Фарғонани тарк этганлигини ана шу мисраларда баён этади. Аммо у ушбу мусибатларда ўзи вояга етган жамиятни эмас, балки ўзининг тақдирини айблайди:

*Қозондек қарорсун фалакнинг юзи,
Тўкулсун кўзум ёшидек юлдузи*¹.

Ўзбекистонда Шукурий ҳаёти ва ижоди бўйича илк тадқиқотлар яратган олим филология фанлари номзоди Қ.Тоҳировдир. Унинг мақоласи “Шукурийнинг ҳаёти ва ижоди” деб номланади. Унда муаллиф шоирнинг фақат Фарғона ва Самарқандда эмас, Қорақўлда истиқомат қилганлигини ҳам қайд этган. 1978 йилда чоп эттирган “Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир” номли рисоласида эса шоирнинг ижодига ҳам тўхталиб, бундай дейди: “XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида аввал Фарғонада, сўнг Самарқандда ва умрининг охирида Бухоро ва Қорақўлда яшаган шоир Шукурий тамоман ўзбек тилида ижод қилди”².

Шукурий ҳаёти ва адабий мероси ҳақидаги нисбатан кенг маълумот эса беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг 4-жилдида берилган. Унда таниқли навоийшунос Ё.Исҳоқов Шукурийнинг ўз адабий муҳитида қўлга киритган мавқеини қўйидагича изоҳлайди: “Мужримнинг машҳур маснавийси, асосан, шоирнинг ўз тақдири баёни ва шу асосда чиқарган аччиқ хулосасидан иборат. **Волада** эса, замондан шикоят биринчи ўринда туради. Шукурийда ҳам бу масала ниҳоятда кенг ва кескин қўйилган: Шукурий фақат қатор ғазал, қасида ва маснавийларда ўз аҳволи ва кайфиятини ҳар тарафлама баён қилиш билан чекланмайди. Балки ўзига ўхшаш аламийдаларнинг фожиали тақдири, оғир қисматини ҳам жасорат билан қаламга олиб, маҳорат билан тасвирлайди”³. Шоирнинг ижтимоий мавзудаги шеърларидан бири “Дирам” радибли ғазалидир. 5 байтдан иборат бўлган бу шеърда у ҳаётдаги адолатсизликларни, амалдорларнинг разилликларини ҳаққоний очиб беради:

*Ваъда қилди ул баҳори лутфи давлат юз дирам,
Юз чаман очти кўнгул боғида ҳар ёлғуз дирам*⁴.

Мазкур байтда Шукурий қайтариш санъати орқали фикрини ифодалайди. Яъни биринчи мисрада **юз** сўзи қофия, иккинчи мисрада эса **юз** сўзи сифатлаш бўлиб келмоқда. Шоир айтмоқچики, кўнгул боғида дирам юз марта чаман бўлиб очилди, чунки давлат аъёнларидан катта ваъдалар берилган. Шукурий оддий халқ вакили сифатида кўп жабрланган. Ҳунаридан

¹ Аннамухамедов М. Из истории литературы Восточного Туркменистана XIX в. (Зинхара, Аллахи, Шукури): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1967.

² Тоҳиров Қ. Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир. Адабиёт ва ҳаёт. – Самарқанд, 1977. – 2-сон. – Б. 49.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 277.

⁴ Шукурий. Девон. – Б. 38.

топган даромади яшаш учун етмаган. Насруллохон саройидаги мажбурий ҳаёт эса унинг эркисизлигидан нишона эди. Шоир “дирам” – пулни инсон учун ҳаётини зарурат, ҳатто инсоннинг маънавий камолоти шаклланишида асосий қувват манбаи эканлигини гўзал бадиий тасвирлар орқали ифодалайди. Биринчи байтда амалдорлар ваъда қилган «юз дирам»ни тилга олса, иккинчи мисрада яна юз сўзи такрор ишлатилиб, тажнис санъати юзага келади:

*Ой юзин кўрмакка ул юз ваъдани мен телмуруб,
Интизоридин оқармоқ бирла бўлди кўз дирам.*

Шоир мазкур байтнинг биринчи мисрасида амалдорларнинг ёлғон ваъдаларини фош этади, уларнинг субутсизлигини қайд этади. Иккинчи мисрада шоир қалб туғенини акс эттирмоқда. Пул топиш машаққати шунчалар қийин эдики, ҳатто уни қўлга киритмоқ учун кўз қароси ҳам оқарди, дейди. Бу умумнинг ҳам мунгли ноласи эди.

*Рўзгоринг қора бўлди оқ юзини кўрмайин,
Эй Шукурий, зикринг ўлди кечаю кундуз дирам¹.*

Шоир бу байтда оқ ва қора ранглар орқали тазод санъатини қўллаган. Бу ғазалнинг мақтаси бўлиб, унда жамиятдаги аламдийдаларнинг фожиали тақдири назарда тутилган. Шукурийнинг шу даврда ёзилган ҳажвий асарларининг асосий қисми амалдор шахслар ва хурофот арбоблари танқидига йўналтирилган.

Дарҳақиқат, илғор замондошлари сингари Шукурий ҳам ижтимоий, ахлоқий, дидактик мавзуда қалам тебратиб, шеърхонни маънавий-ахлоқий етукликка чорлаган. Айни пайтда, бунда у зуллисонайнлик² салоҳиятини ҳам намоёниш этишга эришган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “**Шоир адабий меросининг манбалари ва кўлами**” деб номланади. Ёрқин истеъдоди, шеърини мероси билан ўз даврида эътибор топган Шукурий XVIII асрнинг охири – XIX аср аввалида яшаб ижод этди. Зуллисонайн қаламкаш ўлароқ, у ўзбек ва тожик тилларида ижод қилди. Шоир асли фарғоналик бўлиб, тақдир тақозоси билан кейинчалик Самарқанд ва Бухорода яшаб ижод этган. Унинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар асосан девони дебочасидан ўрин олган. Унда қимматли маълумотлардан бири куйидаги сўзларда аксини топган: “Агарчандики мавлидим балдаи Фарғона, насабим туркман олотлиғ эрди, аммо улуғ боболарим Молтопар қушбеги ибн Қурбон оталиқ ибн Баёш оталиқким, намакхўри ва жонсипари бу давлатхона эрдилар”³. Демак, шоирнинг насл-насаби олотлик бўлиб, таваллуд топган маскани Фарғона бўлган. У дастлаб Олот ва Бухорони хотирласа, кейинчалик киндик қони томган гўзал Фарғонани эслаб ҳасрат чекади. “Эй ғами фуқарат ила ҳамдардим” сўзлари билан бошланадиган маснавийсида у ёзган эди:

Мулки Фарғона масканим эрди,

¹ Шукурий. Девон. – Б. 38.

² Азизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI–XIX асрлар иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 22.

³ Шукурий А. Девон. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б. 9.

*Маскани осойиши таним эрди.
Насабим туркман сарафрози,
Сарафрозлар орасида оғози¹.*

Бунда насл-насаб ва аждодлардан фахрланиш ҳиссини ҳам сезиш қийин эмас. Қ.Тоҳировга кўра, шоирнинг ота-боболари Бухоро ва Қўқон хонлари саройида мансабдор шахслар бўлишган. Унинг ўз иқрори эса мана бундай:

*Авжи толеъда ҳар бириси қуёш,
Ҳуди давлат бошида чарх талош.
Пешиаи даврондин топарда амал,
Ҳама аждодим эрдилар бу қибал.*

Лекин Шукурий илм олиш билан бирга ҳунар ўрганди. Ҳунари билан элга танилди ва бундан Шукурийнинг ўзи ҳам фахрланиб, шундай дейди:

*Гарчи онларча йўқтур иқболим,
Мулку асбобу иззату молим.*

Ҳунарини бу даражада қадрлаган шоир, албатта, ватанига фидойилик, халқининг бахт-саодати учун ўз билим ва иқтидорини ишга солиб хизмат қилишлик олий бурч эканлигини англаб етади.

Шоирнинг қачон туғилиб, қачон вафот этганлиги тўғрисида биз аниқ маълумотларни учратмадик. Айрим-айрим шеърӣ далиллар (масалан, бир қитъа-таърих) унинг XIX асрнинг иккинчи ярмида бадий ижод билан қизғин машғул бўлганлигини тасдиқлайди. Возеҳ ўз тазкирасида “алҳол зиндаст” (“ҳозир тирик”) деб таъкидлашича, Шукурий XIX асрнинг етмишинчи йилларида кексайиб қолган (тазкира 1871 йилда тузилган).

Шукурий девонида “Афзал ул-фузало Ҳумулий жанобиға уммийи Шукурийнинг арзу равонлиғи” деб номланган бир маснавий ҳам мавжуд. Унда устоз ва шогирдлик масаласи ёритилган бўлиб, шоир устози Ҳумулийга меҳр-муҳаббатини изҳор этади. Унда, жумладан, шундай мисралар бор:

*Эрдинг шуаролар ичра нодир,
Йўқ кимса бул ишга сенча моҳир.*

Ушбу маснавий маърифий ва тарбиявий аҳамиятга молик бўлиши билан бирга тарихий аҳамиятга ҳам эгадир. У машҳур шоир ва олим Ҳумулий образини яратиш билан бирга илм ва ирфонни тарғибу ташвиқ қилди.

Бизгача шоирнинг иккита қўлёзма нусхаси етиб келган. Биринчиси – ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №5022 рақам билан, иккинчиси Санкт-Петербург қўлёзмалар институтида (инв. С1581 рақами остида) сақланмоқда. Туркман олими А.М.Мугинов шоир девонининг Ленинград нусхасини тасниф қилган. Унингча, девоннинг тузилган йили номаълум бўлиб, қўлёзма 137 варақдан иборат. Унда бир нечта марсиялар, маснавийлар, рубоийлар борлиги айтиб ўтилган.

Қ.Тоҳировнинг хабар беришича, Шукурий девонининг Ленинград нусхаси котиб Аваз Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган бўлиб, 1915 йилда Бухородан Петербургга олиб кетилган².

¹ Ўша манба. – Б. 148.

² Қаранг: Тоҳиров Қ. Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир // Адабиёт ва ҳаёт. – Самарқанд, 1977. – 2-сон. – Б. 49.

ЎзР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган шоирнинг №5022 рақамли Тошкент девони кўлёмаси жами **126** варақдан иборат. Девоннинг умумий тартиби қуйидагича: **106** варағи туркий, **20** варағи форсий шеърларни ташкил этади. Девондаги туркий шеърларининг сони қуйидагича: **63** ғазал, **1** мухаммас, **2** мусаддас, **13** маснавий, **2** фард, 4 қитъа, 1 таржеъбанд (180 мисрали), **8** та таърих. Девоннинг туркий тилдаги шеърлари **3490** мисрани ташкил этади. Шукурий девонини табдил қилиш жараёнида жанрларнинг кетма-кетлиги маълум даражада изчиллик билан берилмаганлигига гувоҳ бўлдик. ”Ўзбек адабиёти тарихи” китобида тўғри таъкидланганидек: “Шукурий девони ўз структурасига кўра девон тузишнинг расмий қоидаларига мос келмайди. Буларда жанрлар маълум изчиллик билан эмас, балки аралаш жойлашган, махсус дебеча мавжуд ҳамда кўпгина таърих, маснавийлар махсус изоҳ тариқасидаги сарлавҳа билан таъминланган”¹.

Девон дебеча билан бошланган. Дебечада аввал ҳамд берилиб, сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га бағишланган наът билан давом эттирилади. Дебочанинг аҳамиятга молик томони шундаки, унда шоирнинг таржимаи ҳоли, замона ҳукмдори ва шоир ўртасидаги муносабатлар, девоннинг яратилиш тарихи, жанрлар таркиби каби масалалар ўз ифодасини топган. “Дебеча”да ўқиймиз: “Ҳар нечақим қасида ва ғазал ва мухаммас ва таърих ва маснавий ва рубоий ва аризаи туркий ва форсий бу камина бисотиға бор эрди ва баъзи баҳрларнинг каму косини тараддуд бирла тўлдуруб, девон ҳайъатини филжумла тузуб, назари олийға манзурлиғ мартабасиға еткурдим”².

Девоннинг катта қисмини ғазал жанридаги шеърлар ташкил этади. Ғазаллар жами 63 та бўлиб, умумий ҳажми 1372 мисрадан иборат. Шукурий ғазалларининг ўзига хослиги унда катта ҳажмдаги ғазалларнинг учрашидир. Шоир девонида 7 байтдан 12, 19, 23 ва ундан ортиқ байтли ғазаллар бор.

Шукурий ижодига назар ташласак, у ўзбек тилида қандай баракали ижод қилган бўлса, тожик тилида ҳам шундай маҳорат билан ижод қилган. Шоир девонининг 20 варағини форсий шеърлари ташкил қилади. Уларнинг умумий сони қуйидагича: иккита ғазал, саккизта маснавий, учта таърих, еттита рубоий, иккита мустазоддир. Форсий шеърлар ҳам анъанавий ҳамд ва наът билан бошланади. Шукурий Аллоҳга ҳамду санолар айтиш билан бирга, ўзининг ожиз банда эканлигини, Яратганнинг олдида ҳамиша фақир бўлиши билан қалби таскин топиши лозимлигини таъкидлайди:

*Бо олам ту Халлоқ ҳам яктагоҳ,
Набошад ба гайри ту пушти паноҳ.
Эй Ҳайи азал Худойи акбар,
Раҳмону раҳиму бандапарвар.*

Қасидада шоир Аллоҳнинг қодирлиги, инсонларни ранг-баранг, бирини бой, бирини камбағал қилиб яратганлигини баён қилади. Инсонларнинг

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 267.

² Шукурий А. Девон. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б. 9.

баъзилари кучли, айримлари заиф, баъзиси гунгу лол, айримлари сўзамолдир. Айримлари иложсиз, баъзилари омадли. Бундай ранг-баранглик Аллоҳнинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ. Шунингдек, шоир замон подшосини маҳд этади. Уни адолатли, марҳаматли, шариатпеша сифатида таърифлаб, умри ва салтанатининг узоқ давом этишини яратгандан тилайди. Аллоҳнинг мадҳидан сўнг эса шоир пайғамбарнинг сифатларини шарафлашга ўтади. Унинг ёзишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) охириги пайғамбар бўлиб, Худонинг энг севикли бандасидир. У киши хотам ул-анбиё, бутун коинотнинг яратилишига сабаб бўлган зотдир. Кулли олам, Ер ва осмонлар, подшоҳлару улуғ зотларнинг ҳаммаси унинг шайдоси эрур. Ҳатто Ҳадиси қудсийда “Лавлака, ламо холақтул афлок”, яъни “Агар Сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим”, дея марҳамат қилинган. Жаҳон шоҳлари сенинг кўйингнинг гадосидур. Замоннинг энг яхши инсонлари юзингнинг қурбонларидирлар. Сен барча раҳбарларга моҳир раҳбар, барча сарварларга нодир сарварсан.

Шундан сўнг Шукурый чаҳорёрлар хусусида тўхталиб, уларни ўзига хос сифатлар билан таърифлайди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ(р.а), ҳазрати Умар(р.а), ҳазрати Усмон(р.а), ҳазрати Али (р.а) ҳар тўрталаси дин қасрининг чироғи, ҳар бири валоят оламининг оёи, раҳмат дарахтининг меваларидир, деб тавсиф этади. Шоир чаҳорёрларнинг мадҳидан сўнг подшоҳнинг таъриф-тавсифини бошлайди. Гарчи пойтахти Бухоро бўлса ҳам, уни курраи замин султони, Худонинг ердаги сояси, деб улуғлайди.

Нақл қилинишича, Шукурый самарқандлик бир уламога ҳасса ясаб беради. Аммо хизмати эвазига бир оғиз гап ҳам эшитмайди. Кунларнинг бирида эса ўша кимса шоирга бир форсий рубоий ёзиб жўнатади. Мана, ўша рубоий:

Эй асли вужуди ту зи як қатра мани,

Зинҳор макун бар уламо кибру мани.

Зеро,ки ҳамегуфт расули мадани,

Ман акрама олимани, фақат акрамани.

Мазмуни: Аслида сенинг вужудинг бир қатра маний сувидан яралган. Шунинг учун уламоларга такаббурлик қилма. Кимки олимларни иззат-икром қилса, бас, пайғамбаримиз, мени иззат қилибди, дейдилар.

Бунга жавобан Шукурый 5 та рубоий ёзади. Уларнинг 3 таси форсийда, 2 таси ўзбек тилида. Биринчи рубоийда шундай дейилган:

Жавоби аввал ба аълами мазкур:

Гар олими дар шаръи расули мадани,

Жоиз набувад бар он касе кибру мани.

Дар ҳаққи чунун олиме фармуд наби,

Ман акрама олими, фақат акрамани.

Мазмуни: Агар олим пайғамбар шариатига содиқ бўлса, бундай кишига такаббурлик қилишлик жоиз эмас. Улар ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтдиларки, кимки олимни иззат қилса, бас, мани ҳурмат қилган бўлур.

Уламога қилган шоирона жавоблари унинг дин соҳасида ҳам етук олим эканлигини кўрсатиб турибди. Зеро, ҳақпараст шоирнинг ҳар нарсада

содикликни, чин ихлосу амални талаб қилади. Пайғамбаримиз. (с.а.в)га ворис уламоларнигина ҳурматга лойиқ санайди.

Иккинчи тўртлик:

*Гар олими моҳири масоил бошад,
Дар роҳи амал ҳамиша ожил бошад,
Икромии ҳамон касбу вод икромии наби,
Илло ба авоми даҳр шомии бошад.*

Мазмуни: Агар бир олим киши диний масалаларда моҳир бўлиб, амал бобида ҳам йўлидан оғишмаса, мана шунақа икромии наби, ана шундай зотни ҳурмат айлаш пайғамбарга эҳтиром кўрсатиши билан тенна-тенгдир. Илло, диний масалаларни чуқур билмаган олим авом қаторида туради.

Демак, учала рубоийнинг ҳам яралишига Аъламнинг рубоийси туртки бўлган. Бу эса Шукурийнинг форс-тожик тилида ҳам маҳорат билан ижод қила олишлиги, илм нима, амал нима, булар ҳақида теран билимга эга эканлигини кўрсатади.

Хуллас, ўша Аъламнинг битта рубоийсига Шукурий бешта тўртлик билан жавоб берадики, бу бадий ижодда ниҳоятда сийрак учрайдиган бир ҳодисадир.

Иккинчи боб **“Ғазалда маъно ва маҳорат масалалари”** деб номланади ва у икки фаслни ташкил этади. **“Шукурий ғазалларида анъана ва новаторлик, мавзу ва образлар олами”** деб номланувчи илк фаслда шоирнинг ўз ижодиётида мумтоз шеърятимизнинг илғор анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилганлиги, шоир лирикасининг новаторлиги ўрганилди.

Адабиёт тарихидан яхши маълумки, Шарқ шеърятини маъно, шакл, бадий хусусиятлари ўзига хос бўлган бир неча жанрларни қамраб олган. Аммо улар орасида ғазал ҳамма аср ва замонларда ҳам олдинги ўринларда турган. Чунки ғазал жанрида қалам тебратиш, биринчидан, давр адабий муҳитида истеъдод имкониятларни намоён этишнинг тан олинган тажрибаси бўлса, иккинчидан, шоирлик маҳоратининг бир кўзгуси ҳисобланган. Бундан ташқари, энг илғор ва ҳаётий адабий анъаналар кенг миқёсда айнан ғазал шаклида давом эттирилган.

Форс-тожик ғазалчилиги жуда катта ва ибратли тарихга эга бўлганидек, туркий тилда ижод қилган шоирларнинг ғазалиёти ҳам алоҳида нуфузга лойиқлиги А.Ҳайитметов¹, Н.Маллаев², Ё.Исҳоқов³, Р.Орзибеков⁴, О.Носиров⁵ каби ўнлаб олимларимиз тадқиқотларида атрофлича ёритиб берилган. М.Шайхзода эса ғазални ошиқона, орифона, риндона турларга ажратган. Шу таснифнинг ўзиёқ ғазалнинг тасаввуф таълимоти билан боғлангани, унда диний, ирфоний ғоялар ҳам муҳим ўрин эгаллашидан гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, ғазал жанрини жўшқин бир дарё деб, тасаввур

¹ Ҳайитметов. А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961.

² Маллаев.Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент.: Адабиёт ва санъат, 1991.

³ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 25.

⁴ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан, 1976. - Б. 6.

⁵ Носиров. О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.

этадиган бўлсак, унинг бир соҳили мажоз, иккинчиси илоҳий ишқ соҳибларига тегишлидир. Ё.Исҳоқов айти масаладан сўз юритар экан, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий шеърятда дунёвий муҳаббат илоҳий зид қўйилмаганлигини таъкидлаб: “Мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айти ҳақиқатдир”¹. Ғазалнинг наинки ғоявий, балки бадиий сир-асрорларини ўзлаштиришда Шуқурий туркий тилда ғазал битган устозлари билан бирга форс-тожик адабиётининг дунёга машҳур Саъдий, Жомий, Бедил каби шоирлари асарларини қунт ва илҳом билан ўқиб ўрганган. Аммо унинг устози, бетакрор илҳомчиси Алишер Навоий эди. Навоийдан у фақат ғоя, мазмун, ифода усулларини қўллашда эмас, балки ранг ва ранг турлари орқали инсон ички дунёсидаги маънавий ҳолат, рухий ўзгаришларини тасвирлашда издошлик қилган. Бу жиҳатдан унинг Навоий анъаналарини муносиб равишда давом эттиргани таҳсинга лойиқдир.

Навоийнинг "Наводир уш-шабоб" девонида шундай матлали ғазал бор:

Курса ул гул хирмани азёр ила гулзор аро,

Мен ҳамоно толпунурмен хирман эткан хор аро,

Бу ғазал 9 байтдан иборат бўлиб, аруз шеърӣ тизимининг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун — — V — —) вазнида ёзилган.

Шуқурий девонида ҳам худди шу вазнда битилган “Ёрдин айрилғоли зоҳир эрурлар кўзда ёш, Ўқ бўлур зоҳир кавокиб хайли чун ботса қуёш” матлали ғазали мавжуд. Бу ғазалдаги ғоя ва бадииятда ҳам анъана ва новаторлик яққол кўринади. Алишер Навоий ғазалида "Яшил ўсма билан зеб берилган қошларинг гулзор саҳнида жилвагар бўлган икки товусга ўхшайди", деган гўзал ташбеҳ асосига қурилган бетакрор байт мавжуд:

Ложувардий вўсма бирлан зеб берган қошларинг,

Жилвагар бўлгон икки товус эрур гулзор аро.

Шуқурийнинг қуйидаги байтида айти ташбеҳ ривожлантирилиб, унинг янги қирраси очилганлигини кўраимиз:

Ложувардий вўсма чеккан қош аро хол ул масал,

Икки товус гул аро бир донага айлар талош. (Д.58-б)

Яъни: Яшил ўсма тортилган қошлар орасидаги холни шоир гўёки гулзор ичра икки товус бир дон устида талашаётганга ўхшатади.

Бу ўринда Шуқурий ҳам хол образига мурожаат қилади. Маълумки, хол мумтоз адабиётда ўзига хос рамзга эга анъанавий образлардан бири. Унда маъшуқанинг гўзаллиги англашилади. Маъшуқа пешонасида жойлашган хол худди илоҳий мўъжизага ўхшаб, ёрнинг ҳуснига янада ҳусн бағишламоқда. Бу ўхшатишлар ўзига хос оҳорлилиги билан янада диққатга сазовордир.

Навоий топган ташбеҳи ўзига хос жозига эга бўлса, кутилмаган манзарани ўқувчи кўз олдида жонлантириши жиҳатидан Шуқурий ташбеҳи ҳам салафиникидан асло қолишмайди. Таъбир жоиз бўлса, айти ўринда

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 25.

Шукурий Навоий “панжасига панжа ур”а олган, дейишга ҳақлимиз. Шеърят бевосита образли ифодалаш санъати бўлганлиги боис ундаги образлар давр муаммоларини бошқа турларга қараганда ёрқинроқ акс эттириши муҳимдир. Образ яратишда эса рангнинг аҳамияти бекиёс. “Ғазалда ранглардан инсон руҳий дунёсининг хилма-хил ҳолатларини очишда рамзий маънода фойдаланиш Навоий ғазалиёти учун характерли бўлган усуллардан бири ҳисобланади. Хоразмда Огаҳий, Бухорода эса Шукурий шу усул билан алоҳида ғазаллар битган”¹.

Адабиётшунос С.Ўтанова тўғри таъкидлаганидек, “Навоий шеърларида оқ рангнинг софлик, тўғрилиқ, яхшилиқ, ёруғлик, улуғлик, адолат, энг асосийси, гўзаллик маънолари кенг ёритилган”². Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонида:

*Ашкдин бўлди қарорған кулбаи вайроним оқ,
Кулбаи вайрон демаким, дийдаи гирёним оқ, –*

байти билан бошланадиган ғазал бор.

Шукурий ушбу ғазалдан илҳомланиб, шундай байтлар яратган:

*Жилва азмин қилди мен сори кийиб жононим оқ,
Ўлди ҳижрондин қароргон кулбаи аҳзоним оқ.*

*Йўқ саводу хатту бўстон ила мактабдин манга,
Не ажаб бўлмоқлиги дафтари девоним оқ*³.

Лирик қаҳрамон руҳий ҳолати ғазалда оқ ва қора тазоди асосида очиб берилади. Ошиқнинг кулбаси ҳижрон ғамида қорайган. Кулба – ошиқ кўнгил дунёсининг рамзи. Ҳижрон шиддатидан дунё ҳам унинг кўзига қоронғи. Шунда оқ хилқат кийган жонона ўз ташрифи ошиқ кўнглини ёритиб юборади. Бу ҳолатни шоир қоранинг оққа ўзгариши орқали ифодалайди:

*Тийра шоминг субҳ янглиг равшан ўлса, не ажаб,
Эй Шукурий, гар нетиб чиқса моҳитобоним оқ.*

Кўриниб турибдики, иккала ғазал ҳам шеърятнинг гўзал намунаси. Шукурий девонидаги “Гул” радифли ғазал Навоийга қилинган пайравларнинг яна бир гўзал намуналаридандир. Мазкур ғазал девонда «Пайрави Амир Навоий» сарлавҳаси билан берилади. Буни эса Шукурийнинг Навоий ижодига бўлган чексиз муҳаббати ифодаси деб санаш мумкин. Шукурий ҳам Навоий каби мажозий ишқни ҳақиқий ишққа қарама-қарши қўймайди, балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийга олиб борувчи восита, деб ҳисоблайди. Шоир куйлаган маҳбуба – ҳаётнинг маъноси, дилнинг чироғи.

Навоийда:

*Оразингни бог аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас, паршон бўлди гул.*

Шукурийда:

Кўк ниқобин чехрадин чун солди, хандон бўлди гул,

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 187.

² Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 138.

³ Ўша манба. – Б. 48.

Булбули бечораларга офати жон бўлди гул.

Маълумки, мутафаккир ва мутасаввиф шоирлардан Бедил ва Фузулий туркий ва форсий адабиётга кучли таъсир ўтказганлар. Жумладан, Мовароуннахрда ҳам туркийзабон шоирлар Фузулийга, форсийзабон шоирлар Бедилга эргашганлар, уларнинг ғазалларига татаббулар қилганлар, тахмислар боғлаганлар. Албатта, Шукурий ҳам бундан мустасно эмас. Унинг туркий ижодида Фузулий, форсий ижодида эса Бедил таъсирини кўрамиз. Шукурий Фузулий ғазалларига бир неча татаббулар битиб, тахмислар боғлайди. Мана, бир мисол:

Очар гул оразин, булбулни нолон ўлдигин билмаз,

Чу гунча хаста кўнгли таҳ-батаҳ қон ўлдигин билмаз¹, –

матлали ғазалига «Пайрави Фузулий» деб ном беради. Шунингдек, улуғ озар шоири таъсирида “билмаз”, “бенгзаттим”, “чу” радифли ғазаллар битади. Бироқ бу татаббулар ўзига илҳом берган ғазаллар билан вазн, қофия ва радиф жиҳатидан муштаракликка эга бўлса-да, уларнинг мавзу, фикр ва ташбеҳлари мутлақо янгичадир.

Шукурий салафлари анъаналарини давом эттириб, лириканинг ошиқона, орифона ва риндона намуналарини ҳам яратди. Шоир ғазалларининг маъно таркибига назар ташланса, унда ирфоний тушунча ва тимсоллар, шарқона образ ва ифодалар, анъанавий ва рамзий-мажозий тасвирлар кўзга ташланади. Бу эса шоирнинг Шарқ, хусусан, ўзбек ғазалиёти анъаналарини давом эттиришга бел боғлаганини яққол кўрсатади. Шукурий ғазалларида мумтоз шеърятимизда кенг ўрин тутган анъанавий образ ва тушунчалар: *чашмаи ҳайвон, сунбул, кўз, ораз, хат, ҳусн, субҳ, лаб, хол, рафиқ, зулф, қуёш, ой, гул, булбул* каби рамзий-мажозий, шунингдек, *Масих, Лайло, Мажнун, Искандар, Хизр* каби бир қанча шахс номлари талмеҳ санъати воситасида ҳам қўлланилган. Унинг ғазаллари мавзу эътибори билан хилма-хилдир. Уларда ижтимоий, ахлоқий, ишқий, фалсафий ва бошқа мавзулар қаламга олинган. Шоир ғазалларида муайян мавзу етакчилик қилмайди, балки хилма-хил мавзуларга мурожаат қилишлиги унинг ҳаётга, жамиятга бўлган муносабатининг маҳсулидир. Шукурий шеърятида муҳаббат мавзуи ҳам ўзига хос ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу мавзу мумтоз адабиётда такрор-такрор ишланган ва унда қанчадан-қанча шоҳ асарлар яратилган. Шоир ўз лирикасида илоҳий ишқ билан бир қаторда, кенг маънодаги муҳаббатни, муҳаббат алангасида куйган инсонни куйлади. Бу инсоннинг истаклари, армонлари, курашлари, кечинмалари, севинч ва аламлари шоир шеърларининг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шоир лирикасининг ҳам ғоявий, ҳам бадий камолотга эришувида, халқчил ва ҳаққоний бўлишида халқ оғзаки ижоди билан бир қаторда, кўп асрлик шеърятимиздаги энг яхши анъаналарнинг аҳамияти катта бўлди.

“Шоирлик – нурга, маънавий ёруғликка интилиш. Шоир – оламни ойдин ҳақиқатларда кўриб, ёруғ хиссиётларда қалам тебратадиган шахс, ташқи дунёнигина эмас, у инсоннинг ички олами ҳам нурли бўлиши дардида

¹ Шукурий А. Девон. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б. 52.

яшайди”¹ – дея таъкидлайди И.Ҳаққул. Бу фикрлар бевосита Шукурий ижодига ҳам тааллуқли. Шоир асарларида шеърӣ образлар орқали муҳаббатга даъват ва олий туйғуни улуғлаш, асосий ўрин тутишини кўрамиз. Мумтоз адабиётимизнинг азалий мавзуси Ҳаққа муҳаббат ва Унга етишиш каби фитрий туйғулар гўзал ва бетакрор ифодасини беради.

Учинчи фасл “**Шукурий ғазалларининг бадиияти**” деб номланади. Шоир шеърларини бадиият нуқтаи назаридан текширганда, истеъдодининг алоҳида қирраси яна бир бор кўринади. Чунончи, бир байтида кўз қорачиғининг қоралигини унинг кипригидан асо ясаб, ўзининг мотамида эғнини қаро қилганига нисбат беради:

*Олиб мардумак кирпикимдин асо,
Тутуб мотамим, қилмиш эғнин қаро.*

Осмон тўла чакноқ юлдузларни эса фалакнинг болалари кўпайгани билан изоҳлайди, чунки бу кеча қозони бодрокқа тўла кўринди дейди:

*Юлдузлар эмас, чарх болоси кўпайибдур,
Бу кеча қозони тўла бодроғи кўрунди.*

Бу ўзига хос ва оҳорли ташбеҳ бўлиб, бошқа мумтоз шоирлар ижодида унга ўхшашини учратмаймиз.

Шу тариқа мазкур фаслда бадиий санъатларни қўллашдаги маҳорати, ўзига хос ва оҳорли тимсолу ташбеҳлари таҳлили асосида Шукурий асарлари бадиияти ва шоир маҳорати қирралари муайян даражада очиб берилади. Таҳлиллар унинг анъана бағрида янгилик қилишга интилган, ўзига хос услубда ижод қилган, мумтоз ва замонавий адабиёт ўртасида кўприк бўлган шоирлардан бири бўлганлигини кўрсатади.

Учинчи боб “**XIX аср ўзбек шеърियाи жанрлари ва Шукурий**” деб номланади ва у икки фаслни ўз ичига олади. “**Шукурий шеърियाида кичик жанрлар**” номли биринчи фаслда шоирнинг рубоийлари, қитъа ва таърихлари тадқиқ ва таҳлил қилинади. Шукурий қитъа жанрига тез-тез мурожаат қилади. Хусусан, замонадан шикоят ёки амалдорларнинг халқ ўртасидаги қилмишлари воқеалари билан боғлиқ норозиликларни баён этиб, кенг қамровли қитъа-таърихларини яратди. Шоирнинг “Арзи дуо намудани Шукурий ба шукронаи расидани сарупойи мукаммал аз жаноби Султоний”² деб номланувчи қитъаси қуйидагича бошланади:

*Эй шаҳаншоҳи замон, сояи нури Гаффор,
Ҳомийи дини набий, хусрави иқлим мадор.
Бу тиламчига ўшал чоғи каромат бўлди,
Пўстин ила доғи фўта, кафишу дастор.*

15 байтдан иборат бўлган бу қитъада шоир ўз арзу дуоларини баён этади. Келтирилган мисраларда шоир Худонинг ердаги сояси бўлмиш замон Султонини мадҳ этади. Биринчи байтда муножот санъати воситасида “*Эй замон шаҳаншоҳи, Яратувчи нурининг сояси, Пайгамбар, яъни Муҳаммад алайҳиссалом динининг ҳомийси, мамлакатнинг таянчи бўлган подшоҳ*” деб

¹ Ҳаққул И. Мушоҳада ёғдуси. II. – Тошкент: Тафаккур, 2019.– Б. 162.

мурожаат қилади, иккинчи байтда, “*Даргоҳинг хосу авомнинг суянадиган жойи, караминг эса каттаю кичикка баробар*” деб таърифлайди. Кейин мақсадга кўчиб, “*Сенинг марҳаматинг билан бу бечора гадога ҳам белбоғу саллаю ковуш тегди*”, – деб шукроналик изҳор қилади. Шукурийнинг бу қитъасидаги бош ғоя давлатни адолатли бошқаришдан иборат эканлигини бадий талқин қилишдир. Шукурий девонида Шарқда кенг тарқалган жанрлардан бири – рубойининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Рубойларнинг туркий ва форсийда битилганлиги ҳам эътиборга молик. Шоирнинг бизга маълум девонида тўртта туркий, бешта форсий рубойи мавжуд.

Маълумки, рубой Шарқ поэтикасида белгиланган махсус вазнларда ёзилади. Рубой вазнининг ўзига хослиги ва имкониятлари тўғрисида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ҳам арузга оид асарларида тўхталиб ўтганлар. Рубойининг мавзу кўлами ниҳоятда хилма-хил бўлганлиги боис унинг оҳанглари ҳам бир-биридан фарқланади. Масалан, ахлоқий, ижтимоий, фалсафий мазмундаги рубойларнинг оҳанги билан ишқий ва ватанпарварлик руҳидаги рубойларнинг оҳангдорлигини бир-бирига нисбат бериб бўлмайди. Рубой сўзда ҳам, фикр ва тасвирда ҳам ихчамликни талаб қилганлиги учун рубойнавис санъаткорлик талабларига тўлиқ риоя қилишга мажбур бўлган. Шукурий ҳам шундай шоирлардан бири. Девондаги рубойларни шоирнинг ўзи рубойлар деб атаса-да, улар рубой учун белгиланган вазнда эмас. Шунга қарамай, мазмун жиҳатдан қимматли ҳисобланади. Шоир ўз девони дебчасида ҳам рубой жанрига мурожаат этган ва рубой деб ном қўйган:

*Агар бақои ҳаётинг бўлунса юз минг йил,
Қилиб бу умр ила тарихида таъжил.
Ҳануз лутфини мингдан бирига арзимагай,
Яқиндур ушбу сўзум, оқиллар муқаррар бил¹.*

Шоирнинг бу рубойи чуқур ва ўткир фалсафий мазмуни билан ўзбек рубойнавислигининг яхши намуналари қаторида туради.

Раҳматуллоҳ Возеҳнинг ёзишича, Шукурий “таърих битиш соҳасида барча замондошларини қойил қолдирган”². Ҳақиқатан, шоир бу жанрда жуда катта маҳорат кўрсатди. Унинг девонида қитъа, маснавий, ҳатто ғазал ва қасида шаклида ёзилган ўнлаб таърихлар мавжуд. Тожик ва ўзбек тилларида ёзилган ана шу таърихлар даврнинг хилма-хил воқеа-ҳодисаларига бағишланган. Шу нуқтаи назардан, Шукурий таърихларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: машҳур кишиларнинг вафоти, олий бинолар қурилишига бағишланган таърихлар; Амир Насрулло томонидан муайян вилоят ва шаҳарларнинг босиб олиниши қайд этилган таърихлар.

Сарой шоирлари ижодини ўрганган адабиётшунос олим А.Ҳайитметов шундай ёзади: “Етмиш йилдан зиёд вақт давомида кўплаб ижодкорларимизни “диний-мистик адабиёт вакили”, “Сарой тарихчиси”, “сарой маддоҳи” деб таҳқирлаб, ижодини бир чеккага суриб қўйдик.

¹ Ўша манба. – Б. 10.

² Қори Раҳматулло Возеҳ. Тухфат ул-аҳбоб фи тазкиратул асҳоб. – 1871.

Ваҳоланки, ўзбек мумтоз адабиётининг катта қисми саройда яратилди”¹. Таъкидлаш лозимки, Шукурийнинг таърих шеърлари ҳам ана шу саройда яратилди. Шоир ўз таърихлари, маснавий шеърларида сарой ҳаётини, реал воқеаларни акс эттириб, тарихимизнинг қоронғи саҳифаларини ёритишда катта ҳисса қўшди.

Шоир девонининг ба-варағида² Амир Насруллонинг Қўқонга қилган юриши воқеалари баён этилган таърихи берилган. Шеър қуйидаги сарлавҳа билан бошланади: *“Шоҳи жаҳонпаноҳ, султони шариатдастгоҳ, яъни зиллуллоҳ Саййид амир Насрулло бир сафари касий руззафарда Муҳаммад Алихон Қўқонийнинг кулли мамлакатин қўлга олиб, онинг зурриёти бирла вужуд иқлимидан адам саҳросига юборғони*

*Неку бад қаҳру Яздон лутфи
Лойиқ қилмиши жазо топти.
Хони Қўқоний – золими бадмаст,
Ўзини шаробдин сиво топди.
Эл ҳалолин қилиб зинойи ҳаром.
Нисбати шайхи Барсисо топти
Онасини ўзига ақд айлаб,
Жуфт ўлуб, суҳбати хало топти³.*

Шукурий бу таърих-қитъасида тарихий воқеаларнинг бевосита шоҳиди сифатида фикрларини баён қилади. Насруллохоннинг шафқатсиз ҳукмдор эканлигини билса-да, Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг ҳам фаолиятини ёқламайди. Яъни Қўқон хонининг заифлашиб қолишига сабаб унинг маишатга берилиб кетишида, шариатга қарши иш қилишида, дея одилона қарашларини айтиб, тарихий даврга баҳо беради. Муҳаммад Алихоннинг ўғай онасига уйланишини қаттиқ қоралаб, таърихнинг хулоса қисмида ҳам ўз фикрини тасдиқлайди:

*Таърихи қатлини Шукурий сўруб,
Бу сифат гайбдин нидо топти:
“Рифъату авжи зиндагоний кетиб,
Лойиқи қилмиши жазо топти⁴.*

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **“Шукурийнинг мусаммат ва маснавийлари”** дея номланади. Шукурийнинг 5022 рақамли Тошкент қўлёзма девонида 1 та мухаммас мавжуд. Бу мухаммас Ҳумулийнинг ғазалига боғланган тахмисидир. Мухаммас боғлаш фақат шаклий ҳодиса эмас. Бирор шоир иккинчи бир шоирнинг фақат ўзига маъқул тушган, яъни мазмуни ва шакли билан ўзини мафтун қилган шеърларигагина мухаммас боғлаш мумкин. Шунингдек, Шарқ адабиётидаги бу усул устозлардан бадий маҳоратни ўрганишнинг бир кўриниши ҳамда ўзига хос йўлдир. Демак, Шукурий туркий тилда шеър ёзган шоирлардан Ҳумулийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва унинг:

¹ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 38.

² Шукурий А. Девон. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б. 6.

³ Шукурий А. Девон. – Б. 9.

⁴ Ўша манба. – Б. 15.

*Оразу лаълу қадинг ошуби бирлан боғбон,
Ғунчаи боғлиғ гули ошуфтау сарви равон, –*
байти билан бошланувчи ғазалига мухаммас боғлаган:
*Эй баҳори ҳусну давлат, шоҳи ҳўбони жаҳон,
Қонға ботмишдур кўзунгнинг ғамзасидин арғувон,
Ерга урмуш сабзасин кўргач хатингни боғбон,
Оразу лаълу қадинг ошуби бирла бўстон,
Ғунчаси боғлу, гули ошуфта, сарви норавон.*

Шарқ шеъриятидаги анъанага кўра, у маҳбубани ҳусну давлат баҳори, жаҳон гўзалларининг шоҳи деб таъриф этади. Чиройли далиллаш санъати бўлмиш ҳусни таълилдан фойдаланиб, арғувоннинг қип-қизил гулга бурканишини маҳбуба кўзининг ғамзаси билан боғлайди. Ташхис санъати воситасида гўзал хатини кўрган боғбоннинг боғидаги майсаларини ерга товлаб урганини тасвирлайди. Шу тариқа тахмис боғланаётган ғазалдан ўзига тағзамин тайёрлайди: ёрнинг гўзал юзи, лаъл лаби, мавзун қадини кўриб, рашку ҳасад туфайли боғнинг ғунчаси юмук, гули паришон, сарви ўз ўрнида тош қотиб қолганлигида сабаб мана шу гўзал тенгсиз ҳусну жамоли бўлади.

Маълумки, тахмис – ҳаммуаллифдаги асар. Тахмис боғлаётган шоир ўзи илҳомланган ғазал байтларидаги фикрларни ривожлантиради, ташбеҳлар силсиласини давом эттиради. Бинобарин, у ўзидан кўшган мисралар тахмис боғланаётган ғазал байти билан боғланиб, бир бутунликни ҳосил қилиши керак. Ҳумулий ғазалига боғлаган мухаммасида бу уйғунликка эришгани кўриниб турибди. Мана бу бандда эса ошиқлар маъшуқа қаршисида кўзгудек ҳайрон бўлиб, унинг киприкларидан кўксига санчилаётган ўқу нишларни ҳам фарқ этмаётганлари, оғзи ичра тишлари дурж ичидаги дурми деб ҳайрат домида қолганликлари ҳақидаги мисраларни тахмис боғланаётган ғазал байтидаги санамнинг кўзлари ҳаёт чашмасию киприклари унинг атрофидаги майса эканлиги ёки назар аҳлига киприги милу кўзи сурмадон эканлиги ҳақидаги байтга маҳорат билан боғлаб юборади:

*Кўзгудек ўтрунгда кўзлар бўлголи ҳайронларинг,
Фарқ этолмаслар алар то ўқлару пайконларинг,
Дурж ила дурлармудур ё оғизда дандонларинг,
Наргисинг – айн ул-ҳаёт, сабзаси – мижгонларинг,
Ё мижанг милу кўзунг аҳли назарга сурмадон.¹*

Шукурӣ девонида 2 та мустақил мусаддас мавжуд. Улар кам бўлишига қарамай мазмун-моҳияти жиҳатдан тарбиявий қимматга молик асарлардир. Шукурӣ мусаддасларининг муҳим нуқталаридан бири ундаги ҳижрон ва соғинч мотивларидир. У ўзининг олижаноб истак ва орзуларини куйлаганда, ноҳақликка ва зўравонликка нафрат билдиради, эркин ва озод ҳаётни тараннум этади. Бу жиҳатдан унинг “Майлим ҳар соат мени маҳжурни Фарғон чекар” мисраси билан бошланувчи мусаддаси характерли саналади. Бу мусаддас соғинчни, ватанпарварликни мадҳ этувчи энг сара

¹ Ўша манба, 43-бет.

асарларидандир. Мусаддаснинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзи. У ўзга юртларда, яъни Самарқанду Бухороларда эркин яшаса-да, она юрти Фарғонага боролмай соғинч ёшларини тўкади:

*Майлим ҳар соат мени маҳжурни Фарғон чекар,
Бўйнуми меҳри ватан торин солиб, иймон чекар.*

Бу мисралар ҳижрондан шикоят, ватанни қўмсаш каби реал мазмунга эга бўлган соғинч ва изтиробнинг энг юксак бадий намунаси саналади. Мусаддаснинг биринчи мисрасида лирик қаҳрамоннинг қалбида жўш ураётган соғинч ҳисси бир соат ҳам тинч қўймайди. Ўз юрти Фарғонани қўмсаб, кўз ёш тўкади, қайғуради, аммо чорасиз қолган кўнгил туғён чекади. Сабаби имконининг йўқлигида. Шу сабабдин “Кўзларим йўлида тўкмакка жигардин қон чекар”, деб нола чекади лирик қаҳрамон. Саройдаги эрксиз ҳаёт туфайли шоир ўз ватанига боришга қанча уринмасин, иложи йўқ эди. Насруллохон саройидаги Шукурийни оғир ҳаёти Фарғонага боришига йўл бермади. Шу сабабдин, ватан соғинчи Шукурий ижодининг ҳам бош мавзусига айланган эди.

Шу билан бирга, замона характерининг ҳақиқий инсон идеалларига мутлақо номутаносиб ва зиддиятли эканлигини очиб ташлаш шоир ижодида муҳим ўрин тутди. Сўз юритилаётган мусаддаснинг ҳар бир мисраси лирик қаҳрамоннинг реал ҳис-туйғулари билан чамбарчас боғланган. Биринчи байтда лирик қаҳрамоннинг қайғуга тўла аламлари ифодаланса, иккинчи байтда бу ҳолат янада ёрқинлашади. Бунда шоир фалакнинг ғаддорлигидан зорланиб, бундай бадбахтликнинг илдизи чуқур, у ҳозир ҳам мудҳиш панжаси билан нажотсиз қолган заковатли кишиларга чанг солмоқда, деган аччиқ ҳақиқатни айтмоқчи. Келтирилган байтлардан лирик қаҳрамоннинг қалб аламларини, руҳий ҳолатини, ички изтиробларини билиб олиш қийин эмас. Ана шу қаҳрамоннинг ички олами унинг ташқи қиёфаси билан ҳам ҳамоҳангдир. Мусаддасларнинг ҳар бир банди ўзига хос бадий мукамалликка эга. Бинобарин, уларда шоир бадий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланган. Мана бу бандда шоир ўзининг мусаддас маҳоратини ёрқин намоён этган:

*Нурни васлини соя орзу қилгон каби,
Меҳр анворин ситора орзу қилгон каби,
Моҳ рухсорини зарра орзу қилгон каби,
Умрни мардум дубора орзу қилгон каби,
Суҳбати гавҳарни муҳра орзу қилгон каби,
Бу гадони орзуси суҳбати султон чекар.*

“Соя нур васлини, юлдуз қуёш нурларини, зарра ой юзини, одам боласи иккинчи умрни, муҳра гавҳар суҳбатини орзу қилгани каби, бу гадо ҳам султон суҳбатини орзу қилади”. Яъни шоир ўз орзуси қанчалик кучлилигини келтирилган қиёслар воситасида юксак бадий тарзда ифодалайди.

Шукурий девонида жами 14 та туркий тилда ёзилган маснавий мавжуд. Уларнинг асосини ижтимоий характердаги намуналар ташкил этади. Бу маснавий шеърлари ҳам ўзига хос услуби, бадий бўёқдорлиги билан ўз ўрнига эга. “Ҳикмати ҳакими жаҳондору муножот ба боби ҳазрати Ғаффор”

номли маснавийси 248 мисрадан иборат. Шеърда ҳамд ва наътдан сўнг ижтимоий-дидактик ғояларни ҳам тараннум этади:

*Десанг улус ичра хор бўлмай,
Озурдалик ила ёр бўлмай.
Ғайрат била тур, белингни боғла,
Роҳат талабида меҳнат айла.*

Кўриниб турибдики, шоир халқ орасида иззат-икромли бўлиш учун албатта, ҳалол меҳнат билан шуҳрат топиш лозимлигини уқтириб ўтади. Инсон ҳаётда ҳар томонлама пок бўлиши, ҳалол меҳнат билан топган бойлиги унга шараф келтиришини маснавийларида куйлаб ўтади. Меҳнатсеварликни, инсонийликни олий саодат, деб билади. Шукурий шеърларининг кўпчилиги дидактик характерга эга бўлиб, кишиларнинг маънавий баркамолликка етаклайди. Шоир бир маснавийсида шундай дейди:

*Гар бошингга ҳушдин асар бор,
Дунёга фирифта бўлма зинҳор.*

«Фирифта» алданган маъносини англатади, яъни мол-дунёга алданиб қолмаслик. Инсон фақат эзгу ишлар қилишини, энг олий инсоний фазилатларга эга бўлишни тараннум этади. Одамларни мол-дунёга берилиб, одамгарчиликни унутиб қўймаслик лозимлигини уқтиради. Шоирнинг “Оғози шикояти гардуни буқаламун ва ифшои мазаммати ғаддори нопойдори кажрафтори бесукун ва баъзи ғофилларни ибрат бирла огоҳ қилмоқ ва ул қозиюл-ҳожатға муножот демак» номли маснавийси 137 байтдан иборат. Кўринадики, шоирнинг маснавий-шеърлари шаклан катта, мазмунан пишиқ асарлардир. Бошидан охиригача дидактик характерга эга. “Иззати дунё тилаган ағниё, борму алар остида бир бўрё?” Бу мисралари билан шоир шундай насиҳат қилмоқда: “Шоҳона ҳаёт кечирган шоҳларнинг ҳам тагида бўрё, яъни атлас кўрпача тўшалганми? Қабрда қандай ётибди? Уларни аҳволига қара, ҳатто мол-дунёси ҳам вафо қилмади-ку? Шундай экан, кибрли бўлма, олижаноб бўл!” Шукурийнинг бу мисралари дидактик характерга эга бўлиб, инсонларни фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Чинакам шоирнинг бадий маҳорати ана шундай бетакрор тимсолу ташбеҳларда намоён бўлади. Бундай гўзал бетакрорлик айнан Шукурийнинг бадий кашфиётидир.

ХУЛОСА

1. Адабиётимиз тарихининг XVIII аср охири – XIX аср бошларига оид даври жуда кўп ўрганилган. Бу даврда яшаб ижод қилган кўп адибларнинг ҳаёти ва ижоди бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин Абдушукур Шукурийдек соҳиби девон, зуллисонайн шоир адабий мероси ҳозиргача тадқиқ этилган эмас. Ушбу тадқиқот истеъдодли шоир Шукурий ижодини бугунги кун нуктаи назаридан туриб баҳолашга хизмат қилади, даврнинг умумий адабий ҳаётини ёритишга ёрдам беради.

2. Шукурий девонининг 2 та қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, улар Тошкент ва Ленинград қўлёзмалари саналади. Бу қўлёзмалар истеъдодли

шоир адабий меросининг асосий қисмини ўз ичига олади ва унинг бадиий салоҳияти тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилади. Шоир девонининг №5022 инвентарь рақамли Тошкент қўлёзмаси нисбатан хос мукамаллиги ва жанрлар таркибининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шуқурий ўз даври адабий муҳитида эътироф этилган ижодкорлардан экани кузатишлар жараёнида маълум бўлди. Унинг XIX аср Бухоро адабий муҳитининг энг кўзга кўринган вакиллари Шавқий, Ҳумулий, Вола, Хиромийлар билан яқин ижодий муносабатда бўлгани исботланди.

3. Абдушуқур Шуқурий ўзининг салафлари – Навоий, Фузулий, Бедиллар йўлидан бориб, шеърларида ошиқлик ва орифлик билан бир қаторда, ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, камтарликни улуғлади. У ўзбек ва форс-тожик тилларида бетакрор асарлар яратди. Унинг нозиктаб шоир экани XIX асрда ёзилган Возех, Ҳашмат, Садри Зиё, Садриддин Айнийларнинг тазкираларидаги эътирофларда кўринади. Шуқурий ижодинини ўзбек, тожик, туркман олимлари томонидан ўрганилиши ҳам унинг ўзига хос шоир эканлигига далолатдир.

4. Шуқурийнинг адабий анъаналарга муносабати у яшаб ижод қилган адабий муҳит билан боғлиқ. У мавжуд жанрлар имкониятлари доирасида ижтимоий воқеликни ёрқин буюқларда акс эттирди. Шоир улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий ижодидан сабоқ олди ҳамда анъанавийлик доирасида қолиб кетмай, миллий адабиётимизни янгича қарашлар билан бойитди. Ҳазалнинг наинки ғоявий, балки бадиий сир-асрорларини ўзлаштиришда Шуқурий туркий тилда ғазал битган устозлари билан бирга форс-тожик адабиётининг дунёга машҳур Саъдий, Жомий, Бедил каби шоирлари асарларини кунт ва илҳом билан ўқиб-ўрганган. Аммо унинг устози, бетакрор илҳомчиси Алишер Навоий эди. Навоийдан у фақат ғоя, мазмун, ифода усулларини қўллашда эмас, балки ранг ва ранг турлари орқали инсон ички дунёсидаги маънавий ҳолат, руҳий ўзгаришларини тасвирлашга ҳам издошлик қилган. Бу жиҳатдан унинг Навоий анъаналарини муносиб равишда давом эттиргани таҳсинга лойиқдир. Ўз девонида “Пайрави Навоий”, “Пайрави Фузулий” деган сарлавҳаларни қўйгани ҳам бу фикрларимизни исботлайди.

5. Шуқурий лирикасининг бош мавзуси – ишқ. Шуқурий ғазалларининг муайян қисмини ошиқона ва орифона ғазаллар ташкил этади, деярли барча ғазалларида ишқ ва маърифат мавзуси асосий ўрин тутди. Бу туркум ғазалларда асосий эътибор дунё, унинг ўткинчилиги, унга алданиб қолмаслик, нафсни енгиш, ўзликни англаш каби масалаларга қаратилган ва улар бадиий мукамал даражада ёритиб берилган. Шуқурий ғазалларида мавзу ва образлар олами ранг-баранг жилоларга эгалиги билан тарбиявий қимматга молиқдир. Шоир шеърларида ишқий-маърифий мавзу билан бир қаторда, ижтимоий мавзулар ҳам кенг очиб берилган.

6. Девондаги ҳамд ва наът ғазаллар, энг аввало, шоирнинг диний-сўфиёна қарашларини ўзида мукамал акс эттирган ислом ва тасаввуф фалсафаси ғояларини бадиий жиҳатдан теран умумлаштира олган санъат асарларидир. Шарқ адабиётида кенг тарқалган ҳамд ғазаллар Аллоҳни мадҳ

этишга, унинг сифатлари тавсифига бағишланган. Шукурий ҳам ўз ҳамд асарлари, илк навбатда, эътиборни Аллоҳни яратувчилик қудратига қаратади. Шукурий бу юксак ғояларни ифодалашда бадий тимсол ва рамзларга мувофиқ келадиган ташбеҳ, таносуб, тазод каби бадий санъатлардан унумли фойдаланди.

7. Шукурий замондош шоирлардан фарқли ўлароқ, айрим лирик жанрларда баракали ижод қилди. Шоир лирикасида қитъа ва рубоийларнинг ҳам ўрни бор. Қитъа ва рубоийларда ишқий, ахлоқий, фалсафий мавзулардан ташқари, ижтимоий мотивлар, сатирик элементлар ҳам учрайди. Булар Шукурийнинг ўша даврдаги лирикасининг яна бир характерли хусусиятидир. Унинг рубоийлари ғоявий-бадий жиҳатдан пухта-пишиқ асарлардир. Шукурийнинг лирик девонидаги рубоий, қитъа ва таърихларида мавзу ва образлар оламининг ёрқин акс эттирилганлиги унинг улкан ижодий салоҳияти ва катта бадий маҳоратидан далолат бериб турибди.

8. Шукурийнинг ўзбек адабиётига кўшган ҳиссаси унинг таърих жанрида ёзган бетакрор ва мазмундор асарлар битганида ҳам кўринади. Шоир тарихимиздаги энг фожиали воқеаларни қаламга олиб, қоронғи кунларни акс эттиришга ҳаракат қилди. Хусусан, Насруллохоннинг қонли юришларини қаламга олади. Шукурий таърихларида замонасининг бир қатор муҳим ҳодисалари ўзининг бадий инъикосини топган. Тасвир объекти нуқтаи назаридан бой ва услуб жиҳатдан оригинал бўлган Шукурий таърихлари жанрнинг таракқиёти тарихида ўзига хос ўрин тутди.

9. Шукурийнинг мусамматлари ўз ғоявий ва бадий кўлами жиҳатдан бошқа шоирлардан қолишмайди. У ўз мусаддасларида реал воқеликка муносабатини билдиради, халқнинг фожиали турмуш тасвири, хусусан, ғурбат билан боғлиқ оғир кечинмалар баёни бевосита замондан, фалақдан шикоят билан кўшилиб кетади.

10. Шукурийнинг маснавий шеърлари ҳам ўзига хос услуби, бадий бўёқдорлиги билан ўз ўрнига эга. Улар шоир яшаган давр манзараларининг ҳаққоний тасвирини берганлиги, муаллиф таржимаи ҳолига оид маълумотларга эгали билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шукурий шеърятини бир бутун уйғунликда – зоҳирий ва ботиний маънолар асосида ўрганиш шоирнинг руҳий-маънавий, бадий оламига чуқурроқ кириб бориш ва, айти пайтда, адабиётнинг муҳим вазифаси бўлган инсон руҳий оламининг энг юксак интилишларини англаб этиш йўлига ўтишдир. Хуллас, Абдушукур Шукурий ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллаганлиги шубҳасиздир. Унинг ижодиётини кенг миқёсда ўрганиш ва талқин этиш ўқувчиларни мумтоз адабиётимизнинг ҳали номаълум янги саҳифалари билан таништиришга хизмат қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL FOR AWARDED SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2019.Fil.46.01 AT THE INSTITUTE OF UZBEK LANGUAGE,
LITERATURE AND FOLKLORE**

INSTITUTE OF UZBEK LANGUAGE, LITERATURE AND FOLKLORE

JURAEVA SOBIRA ESHQURBANOVNA

THE LITERARY HERITAGE OF ABDUSHUKUR SHUKURI

10.00.02 – Uzbek Literature

**ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE DOCTOR
OF PHILOSOPHY (PhD) IN PHILOLOGY**

Tashkent – 2020

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2017.1. PhD/Fil34.

The dissertation was completed at the the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore AS RUz.


The abstract of the PhD dissertation is available in three languages (Uzbek, Russian, English (summary)) on the website www.tai.uz and on the Information and Educational Portal "ZiyoNet" at www.ziyounet.uz.

Scientific adviser:	Hakkulov Ibrahim Charievich, Doctor of Philology
Official opponents:	Jabbarov Nurboy Abdulhakimovich, Doctor of Philology, Professor
	Qobilova Zebo Bakirovna, Doctor of Philology in philological sciences
Leading organization:	Literature Museum named after Alisher Navoi

The defense of the dissertation will take place at a meeting of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Fil.46.01 on awarding scientific degrees at the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan "____" _____ 2020 at _____. (Address: 100060, Tashkent, Shakhrisabz passage, 5. Tel.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz)

The dissertation can be found in the Fundamental Library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (registered under No. ____). Address: 100100, Tashkent, Ziyolilar, 13. Tel.: (99871) 262-74-58.

The abstract of the dissertation was distributed on "30" December 2020 (Registry record No. "____" dated "____" _____ 2020).


B.A. Nazarov,
Chairman of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, academician

R. Barakaev,
Scientific Secretary of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Ph.D.

N.F. Karimov,
Chairman of a Scientific seminar
at the Scientific Council for awarding
scientific degrees, academician



INTRODUCTION (Doctor of Philosophy (PhD) dissertation annotation)

Relevance and necessity of the dissertation topic. In world literature, the study of the works of writers who have made a significant contribution to the spiritual heritage of a nation on the basis of primary sources, determining their place in the classical literature of the nation and transmitting their literary heritage to future generations is important in terms of following and tradition.

After gaining the independence of Uzbekistan, known to the world for its political and economic achievements, first of all, the groundwork was laid for the restoration of our national values, in particular, for a deeper study of our literary heritage, which is our spiritual wealth. As a result, the consistent study and analysis of our national heritage, its use in raising the morale of society has become an important issue in the science of literature. Restoring the memory of our great ancestors, especially the writers who played an important role in the history of classical literature, studying the works of poets, filling the gaps in the history of literature and making it a whole is one of the important tasks facing literary critics today. As the President said, “We have a great history worth envying. We have great ancestors worth envying. And I believe that if God wishes, we will have a great future, great literature and art”¹.

It is known that in the middle of the XVIII century independent khanates appeared in Central Asia, and the socio-political environment in the Bukhara khanate was in a very precarious state. During the reign of Amir Nasrullah, the socio-economic life of the people became more difficult. Naturally, such socio-political events did not go unnoticed in literature. Soon there was a certain revival in cultural and literary life, and the ranks of writers who left a worthy mark on the history of Uzbek and Tajik literature expanded. In the field of literature, the number of progressive-minded poets has increased. Important sources that give an idea of the literary life of this period are *devon, bayoz and tazkira*. In this regard, it is necessary to mention the commentaries of Qori Rahmatullah Wazeh's "Tuhfatul ahbob fi tazkiratul asxob"², Mir Siddiq Ibn Hashmat's "Tazkiratul-shuaro"³, Sadriddin Ain's "Namunai adabiyoti tajik"⁴. After our independence, the blessed names of many scientists and writers who were forgotten during the Soviet era for various reasons have been restored and immortalized. Their scientific and literary heritage has been published and disseminated to a wide range of readers. The study of this heritage, in turn, will serve to educate our young people in the spirit of devotion to the people, helping them to mature. In this regard, it is noteworthy that large-scale research has been conducted and is being carried out in the leading research institutes and universities of the country. Nevertheless, there are many

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш -халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4-август.

² Қаранг: Раҳматулло Возех. Тухфатул аҳбоб фит-тазқиратул асҳоб. ФАШИ; Пўлатжон Қайюмийнинг “Тухфат ул аҳбоб фи тазқиратил асҳоб” (Возех асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. № 2304 кўлёзма);

³ Мир Сиддиқ ибн Хашмат. “Тазқират уш-шуаро”. – № 2728 кўлёзма. 81- варақ;

⁴ Садриддин Айний. “Намунаи адабиёти тожик”. – Техрон: Ҳижрий, 1385. – Б. 10;

rare manuscripts awaiting their researchers , and much work needs to be done to study the literary environment of certain historical periods. There are many famous figures and masterpieces that have not found their rightful place in the history of our culture.

As a follower of the traditions of our classical literature, the poet of Bukhara literary environment Abdushukur Shukuri is one of them. In the past, not all poets have risen to the level of creating a devon. The fact that Shukuri is mentioned in several tazkiras indicates that he is the owner of a devon. The poets who composed the Devon were often the leading representatives of the literary environment of their time, and had a certain influence on the literary process. Abdushukur Shukuri is one of the most brilliant poets who wrote in Uzbek and Persian-Tajik languages. The need to fill the remaining pages of our literature after independence on the basis of new views and criteria puts the study of the life and work of Shukuri as one of the urgent tasks. To date, no comprehensive study of Shukuri's life and work has been created, and his literary legacy has not been fully published. We believe that this study, which is devoted to the study of the poet's significant literary heritage and artistic skills on the example of his work in the Uzbek language, fills this gap in Uzbek literature.

PP-2909 legal act of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 20, 2017 "On measures to further develop the system of higher education", PP-2909 of May 24, 2017 "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources" Resolutions No. 2909, Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 571 of July 24, 2018 "On measures to further improve the activities of Samarkand State University" and other normative legal acts related to the implementation of the tasks set out in other regulations this dissertation work serves to a certain extent in the implementation of the tasks.

Level of study of the topic. Qori Rahmatullo Vozeh's work "Tuhfat ul-ahbob fi tazkirat ul-ashob" ("Gift to friends from the conversations of the interlocutors")¹ is a work about the literary environment of Bukhara in the XIX century. Along with such poets as Vola Samarkandi², Humuli Urguti³, Shavki Kattakurgani⁴, Abdushukur Shukuri is also included in it. The works of these poets, who were contemporaries of Shukuri, also reflected the important events of the life of the period, and they had an effective impact on the work of progressive poets.

The life and work of the great bilingual poet Shukuri have been consistently studied by world scholars since the second quarter of the twentieth century. Special attention is paid to the works of Abdushukur Shukuri in the researches of a number

¹ Қаранг: Раҳматулло Вазех, Тухфат ул-аҳбоб фит тазкиратул асҳоб. ФАШИ. – Бухоро, 1871; Хади-Заде Р. Источник к изучению Таджикской литературы второй половины XIX века. – Сталинобод: Изд-во АН Тадж. ССР, 1956. – С. 134–135; Самойлович А. Литература турецких народов // Литература Востока. – СПб. 1919. – С. 34–35.

² Воланинг ҳаёти ва ижоди. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978; Фозилова Р. Воланинг ахлоқий-таълимий шеърлари / Адабиёт ва Ҳаёт. – Самарқанд, 1977. – Б. 76.

³ Абдурахмонов А. Ҳумулий Ургутий ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1973; Асрлар нидоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 327 б.

⁴ Орзибеков Р. Шавкий Каттақургоний и его литературная среда: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1963.

of scientists such as R.Vozeh, Hashmat, S.Aini, A.M.Muginov, M.Annamuhamedov, Yo. Isxakov, K.Tahirov¹. In our opinion, the study of Shukuri's life and work should be divided into two stages: 1. The study of Shukuri's work until the 1920s; 2. The study of the life and work of the poet from the second half of the twentieth century to the present.

In the 9th volume of the book "History of World Literature" Shukuri is mentioned as a representative of Turkmen literature, and the book contains the following information about his work: "Abdushukur Shukuri was born in the late XVIII century. His work is mainly composed of ghazals and masnavis on love and social issues, and he compares society to a circling round- the atheist, which can only be inhabited by crooked and lying people. The poet was well acquainted with the life of the palace and its internal rules. In a number of his masnavis, he sharply criticizes the feudal atmosphere of the palace"².

Information about Shukuri is also available in the "National Encyclopedia of Uzbekistan"³. It contains brief information about the life and work of the poet. Thus, the life and literary heritage of Shukuri is a source of special significance, and its study and presentation to our people is one of the important tasks facing our literature. Although ghazals and masnavi play an important role in the poet's divan, nineteenth-century tazkira writers refer to him as a master of *ta'rix* (*literature genre*). His divan contains dozens of ta'rixs written in qit'a, masnavi, and even ghazal and ode form. But so far no comprehensive monographic study has been created that highlights Shukuri's literary heritage. The importance of the dissertation is shown by the fact that for the first time the manuscript of the poet's office was examined in a special and monographic way, and on this basis the main features of Shukuri's literary heritage in the history of Uzbek classical literature were revealed.

The relevance of the research to the research plans of the higher education institution where the dissertation was completed. The dissertation was completed within the framework of the research project FA-F1-G039 "Creation of encyclopedias of Alisher Navoi (two volumes) and Abdulla Qodiri" implemented at the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Abdushukur Shukuri's devon manuscript has been prepared for publication and included in the 100-volume collection "Masterpieces of Uzbek Literature".

¹ Қаранг: Раҳматулло Воех. Тухфатул аҳбоб фит-тазкиратул асҳоб. ФАШИ; Пўлатжон Қайюмийнинг "Тухфат ул аҳбоб фи тазкиратил асҳоб" (Воех асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. № 2304 қўлёзма); Мир Сиддиқ ибн Хашмат. "Тазкират уш-шуаро". – № 2728 қўлёзма. 81- варақ; Садриддин Айний. "Намунаи адабиёти тожик". – Техрон: Ҳижрий, 1385. – Б. 10; Мугинов А.М. Уникальное собрание поэтических сочинений среднеазиатского поэта XIX в. Шукури // Изв. АН Туркменской ССР, 1959. – Т. 6. – С. 125; Аннамухамедов М. Из истории литературы Восточного Туркменистана XIX в. (Зинхара, Аллахи, Шукури): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1967; Ўзбек адабиёти тарихи. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 266; Тоҳиров Қ. Абдушукур Шукурий ҳаёти ва ижоди ҳақида // Адабиёт ва ҳаёт. 2-китоб. – Самарқанд, 1977. – Б. 47; Тоҳироқ Қ. Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир // Адабиёт ва ҳаёт. – Самарқанд, 1977. – №2. – Б. 49.

² Жаҳон адабиёти тарихи. 9-китоб. – М., 1983–1984.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2000–2006. – 834 б.

The aim of the research is to study the life, activity and legacy of Shukuri in the Uzbek language on the basis of a new monograph based on the ideology of Independence and new views in literature, and to reveal his artistic skills as a poet.

The objectives of the study are as follows:

Study of the manuscripts of Shukuri devon and determination of the poet's contribution to the development of literary genres;

To study the issue of tradition and *tajdid* (genre) (innovation) on the basis of the study of Turkish and Persian heritage in the poet's devon;

Interpretation and analysis of Shukuri's poetic skills;

To reveal the artistic features of Shukuri's works in different genres (rubai, qit'a, muhammas, musaddas);

Analysis and interpretation of the world of themes and images of the poet's poems;

Scientific substantiation of historical and artistic value, including the peculiarities of ta'rix and masnaviy;

Assessment of the literary environment of Bukhara on the basis of objective scientific criteria established in the social sciences due to independence.

The object of research is the manuscript №5022 of the Shukuri's devon of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and the manuscript of the poet №1581 kept at the St. Petersburg Institute of Manuscripts and more than a dozen commentaries and poems.

The subject of the research is the study of the life and work of Shukuri, the transformation of the manuscript of the devon, the identification of the characteristics of the genres included in the devon, the artistic value of his ghazals, the analysis and study of their peculiarities.

Research methods. In the process of studying the literary heritage of Abdushukur Shukuri, methods such as analysis, interpretation, scientific commentary and comparative-historical were used. The study of the topic was based on general methodological and comparative analytical methods.

The scientific novelty of the research is:

Shukuri's literary heritage was first studied on a monographic basis;

The poet's poems of 3490 (three thousand four hundred and ninety) verses were translated into our current alphabet and published for the first time ¹ (see :);

Shukuri's way of life and literary heritage have been consistently studied in relation to the peculiarities of the literature of the period in which he lived;

The general volume and genre structure of his Uzbek-language heritage were determined, the scope of topics was classified, the world of ideas and images was studied, the leading principles specific to the literary environment of the period were studied;

Shukuri was influenced by his great predecessors such as Hafiz, Lutfi, Navoi, Fuzuli, Bedil, learned from them creatively, wrote *tatabbus* (treatises) on their

¹ Абдушукур Шукурий. Девон. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С.Жўраева. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б. 198.

ghazals, especially his contemporaries in the art of writing and narrating history, these issues clarified the issues of tradition and innovation;

The system of images of Shukuri's poetry, the poet's artistic mastery was revealed through the study of the literature arts.

The practical results of the study are as follows:

Such as, the representatives of the Khorezm and Kokand literary environments of the late 18th and early 19th centuries, the representatives of the Bukhara literary environment successfully continued the immortal traditions of Uzbek literature. Undoubtedly, these processes also had an impact on Shukuri's work. Shukuri is one of the poets who has a special place in the history of our classical literature as a brilliant creator and owner. There are two manuscripts of the Devon of the Poet, the manuscript of his (Tashkent number №5022) was converted and published in book form.

Tradition, literary influence and innovation deserve special attention in Shukuri's work. He was influenced by the works of great poets who left a deep mark on the history of Uzbek literature and created his own unique works, successfully continuing their traditions. In particular, the poet, who deeply studied the works of Navoi and Fuzuli, enriched their traditions with new ideas. Based on the study of the artistic aspects of his poems in Devon, it was revealed that Shukuri was a unique poet.

The reliability of the research results is determined by, the problem is solved on the basis of the latest scientific achievements of literature using text-comparative and analytical-comparative methods, Shukuri's manuscript № 5022 "Devon" kept in the Manuscripts Fund of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

Scientific and practical significance of research results. The scientific significance of the research is determined by the individual consideration of Shukuri's devons, the texts of the ghazals in them, the theme and content of the devons, the genre structure, and the nature of the artistic images. The observations planned during the research, the scientific and theoretical conclusions expressed in the dissertation, as well as the study and creation of the history of the development of Uzbek classical literature from the poet's "Devon", the organization of special courses, seminars, lectures at philological faculties. The research can also serve as a new source in the study of the history of Uzbek literature, the laws of development of literature of the independence period, the creation of pamphlets, textbooks and manuals on the poet's work, literary portraiture and analysis of theoretical problems. This determines its practical significance.

Implementation of research results. From the scientific results on the topic "Literary heritage of Shukuri":

Images related to color in the works of Abdushukur Shukuri, scientific conclusions from dissertation were used in the fundamental scientific project FA-FI-GO39 "Creation of encyclopedias Alisher Navoi (2 volumes) and Abdulla Qodiri" (2012-2016) at the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences.

(Reference No. 3 / 1255-2108 of the Academy of Sciences dated October 2, 2020). In particular, the research in the project:

– Study of the creative heritage of Abdushukur Shukuri in the development of Uzbek literature of the XIX century;

- The main criteria that played a role in the formation of the poet's thinking, including the creative influence of Alisher Navoi;

- Factors of the emergence of new Uzbek literature, the classification of Shukuri's works by genres and themes, the renewal of literary criteria and genres, the manifestation of Alisher Navoi's traditions in the process of changing poetic forms, in particular, and articles named "Shukuri's literary heritage" (2011), and "Tradition and novelty in Shukuri's work" (2018) are used.

The scientific results of the research were also used in the project OT-F1-77 "Preparation for publication of 100 volumes of masterpieces of Uzbek literature" in 2017-2020. In particular, in the project "Abdushukur Shukuri's Devon" is prepared with an introduction and comments.

Approbation of research results. The results of the study were discussed in public at 2 international and 2 national scientific conferences.

Publication of research results. Published 12 scientific articles on the topic of the dissertation. 5 articles were published in the publications recommended for publication of the main results of doctoral dissertations of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan. One of them was published in a foreign magazine.

The structure and scope of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion and a list of references. The total volume of the work is 135 pages.

MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

The introductory part is based on the relevance and necessity of the research, describes the goals and objectives, objects and subjects of the research, its relevance to the priorities of science and technology, describes the scientific novelty and practical results of the research, reveals the scientific and practical significance of the results, implementation of research results, published works and the structure of the dissertation.

The first chapter, entitled "**Biographical interpretation in the works of Shukuri and the scale of the poet's literary heritage**", consists of two parts. The first part is called "**Biographical interpretation in the works of the poet**". In this part, scientific research on the life and work of Abdushukur Shukuri has been studied.

It is known that in the middle of the XVIII century in Central Asia there were three khanates, and the socio-political environment in the Bukhara khanate was very weak. During the reign of Amir Nasrullah, the socio-economic life of the people became more difficult. Nasrullah's marches and atrocities against the Kokand khanate were reflected in the works of a number of artists. One of them was Abdushukur Shukuri, the most advanced and leading writer of his time. Just as time and place did not stand still, there have been significant shifts and changes in literature over time. As a result, the number of artists writing in Uzbek and Tajik has expanded. The book of the Tajik literary critic Rasul Hodi Zoda provides

detailed information about the scientific and literary sources of the XIX century. In them, in particular, in the tazkirs of Vozeh, Hashmat, Ayni, there are brief comments about Shukuri. For example, **Vozeh** says: “Shukuri's name is Sharif-Abdushukur, one of the poets of the heavenly Samarkand. He has good taste, even though he has no knowledge. In fluency and purity, he is better than water. His quick recitation and pleasant content are acceptable to all categories”¹.

It turns out that Shukuri was one of the poets with a unique style of expression. **Hashmat**, on the other hand, appreciates his poetic potential, and indicates that, there was no one has spoken so beautifully like him. In addition, the teacher **Sadriddin Aini** in his book "**Namunai adabiyoti tojik**"² spoke about Shukuri and quoted a Tajik ghazal. It contains the following bytes:

*Tiri zi g'amza so'i man on turk shast dod,
Bar qalbi saddi tavbai man sad shikast dod.
Jome nadod soqiyvu az dast shud dilam,
Boz in chi hol bud, ki emroz dast dod.
Shab dar bag'ali nigoru ba dastai sharob bud,
Bedor gashtai az sari shody, ki xob bud.*

Meaning: “she (lover) shot an arrow of sadness to me and wounded the wall of my heart. When the bartender did not hold the glass, my heart went with her. What's it, she complimented me again and handed me a glass. In the middle of the night, I was holding a glass in my hand, and I woke up happy. Unfortunately, it was a dream”.

Interest in Shukuri's work has been growing, especially since the 1950s. The first information about the life and work of the poet was given in 1959 in the article of the Turkmen scientist A.M. Muginov dedicated to Shukuri. Later, in 1967, another Turkmen researcher, M. Annamuhamedov, in his dissertation, along with such poets as Zinhari and Allahi, spoke about his life and work:

“A certain part of Shukuri's lyrical poems consists of verses with the meaning of hasbi hal (about condition). In these verses, the poet states that he lost his lover and left Fergana by fate. But in these calamities he blames his own destiny, not the society to which he belongs:

*Qozondek qarorsun falakning yuzi,
To'kulsun ko'zim yoshidek yulduzi*³.

Meaning: *let, the face of Sky be dark like a pot, and let its stars fall like my tears.*

The scientist who created the first research on the life and work of Shukuri in Uzbekistan, is Ph.D.candidate Q. Tohirov. In his article "The Life and Works of Shukuri" he noted that the poet lived not only in Fergana and Samarkand, but also in Karakol. In his 1978 pamphlet *On Uzbek-Turkmen Literary Relations*, the poet Shukuri, who lived first in Fergana, then in Samarkand, and in Bukhara and

¹ Раҳматулло Возех. Тухфатул аҳбоб фит-тазкиратул асҳоб. ФАШИ; Пўлатжон Қайюмийнинг “Тухфат ул аҳбоб фи тазкиратил асҳоб” (Возех асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. № 2304 қўлёзма);

² Садриддин Айний. Намунаи адабиёти тожик. –Техрон. Хижрий, 1385. – Б. 10.

³ Аннамухаммедов М. Из истории литературы Восточного Туркменистана XIX в. (Зинхара, Аллахи, Шукури): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1967.

Karakul in the late 18th and early 19th centuries, spoke entirely created his works in Uzbek ”¹.

A relatively detailed account of Shukuri's life and literary heritage is given in Volume 4 of the multi-volume “History of Uzbek Literature”. In it, the well-known Navoi scholar Yo. Ishakov explains the position of Shukuri in his literary environment as follows: “The famous masnavi of the **Mujrim** consists mainly of the poet's statement of his destiny and the bitter conclusion he draws on this basis. In **Vola**, however, the complaint of the times comes first. In Shukuri, too, the issue is extremely broad and sharp: Shukuri is not limited to a comprehensive description of his condition and mood in a series of ghazals, qasida, and masnavi. Perhaps the tragic fate of those like him will be skillfully portrayed with courage and skill ”².

Indeed, like his advanced contemporaries, Shukuri also wrote on social, moral, didactic topics, calling the poet to spiritual and moral maturity. At the same time, he was able to demonstrate the potential of being bilingual.³

Chapter 1, part 2 is entitled “**Sources and scope of the poet’s literary heritage**”. Shukuri, whose brilliant talent and poetic heritage attracted attention in his time and epoch, lived and worked in the late eighteenth and early nineteenth centuries. As a bilingual poet, he wrote in Uzbek and Tajik. The poet was originally from Fergana and later lived and worked in Samarkand and Bukhara. The information about his biography is mainly in the preface of his devon. One of the valuable information is reflected in the following words: "Although my birthday was in Fergana, my ancestry was Turkmen, but my great-grandfathers were the fathers of Moltopar qushbegi Ibn Qurban ibn Bayosh, who worked and be loyal to the palace"⁴. This means that the poet's ancestry was Olot, and his birthplace was Fergana. At first he remembers Alat and Bukhara, and later he remembers the beautiful Fergana with its umbilical cord blood. In his Masnavi, which begins with the words, "O I grieve with grief," he wrote:

*Mulki Farg’ona maskani erdi,
Maskani osoyishi tanim erdi.
Nasabim turkman sarafrozi,
Sarafrozlar orasida og’ozi erdi*⁵.

Meaning: my birthplace was Fergana, and my ancestors were Turkmen, they were respected people of Turkmen.

It is not difficult to feel a sense of pride in one's lineage and ancestors. According to K. Tohirov, the poet's ancestors were officials in the palaces of Bukhara and Kokand khans. His own confession is as follows:

*Avju tole’da har birisi quyosh,
Xudi davlat boshida charx talosh.*

¹ Тоҳиров Қ. Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир. Адабиёт ва ҳаёт. – Самарқанд, 1977. – 2-сон. – Б. 49.

² Ўзбек адабиёти тарихи. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 277.

³ Азизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI- XIX асрлар иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 22.

⁴ Шуқурий А. Девон. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б. 9.

⁵ Ўша манба. – Б. 148.

*Peshai davrondin toparda amal,
Hama ajdodim erdilar bu qibal.*

Meaning: every of them was at the top of the state, all of them were officials.

But Shukuri learned a trade along with learning. He became famous for his craft, and Shukuri himself is proud of it.

*Garchi onlarcha yo'qtur iqbolim,
Mulku asbobu izzatu molim.*

Meaning: however, I don't have such a fortune and wealth as they had.

In the heart of the poet, who appreciates his profession to such an extent, he realizes that it is a high duty to devote himself to his homeland, to use his knowledge and talent for the happiness of his people.

We have not come across any definite information as to when the poet was born and when he died. Some poetic evidence (for example, a qit's- history) confirms that he was actively engaged in artistic creation in the second half of the XIX century. According to Vozezh's tazkirah, "he is still alive" ("he is alive now"), Shukuri grew old in the 1970s (the tazkira was composed in 1871).

There is also a masnavi in Shukuri's poetry entitled "**Afzal ul fuzalo Humuliy janobig'a ummiyi Shukuriyning arzu ravonlig'i**". It deals with the issue of teacher and discipleship, and the poet expresses his love for his teacher Humuli. It contains the following verses:

*Erding shuarolar ichra nodir,
Yo'q kimsa bul ishga sencha mohir.*

Meaning: you were the only one among the teachers, there is no one who can do this like you.

This masnavi has not only enlightenment and educational significance, but also historical significance. He created the image of the famous poet and scientist Humuli and promoted science and gnosis.

Now, as for the poet's devon, two manuscripts of him have come down to us. The first is kept at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Uzbek Academy of Sciences under number №5022, the second at the St. Petersburg Institute of Manuscripts (inv. Under number S1581). Turkmen scholar A.M. Muginov classified the Leningrad copy of the poet's devon. According to him, the year of the creation of the devon is unknown, and the manuscript consists of 137 pages. It is said that there were several Marsias, Masnavis, and Rubais.

According to K. Tohirov, the Leningrad copy of Shukuri's devon was copied by Secretary Avaz Muhammad Samarkandi and taken from Bukhara to St. Petersburg in 1915¹.

The Tashkent Devonian Manuscript No. №5022, kept at the Institute of Oriental Manuscripts of the Uzbekistan Republic Academy of Sciences, consists of **126** pages. The general order of the devon is as follows: **106** pages of Turkish and **20** pages of Persian poems. The number of Turkish poems in Devon is as follows:

¹ Қаранг: Тоҳиров Қ. Ўзбек ва туркман адабий алоқалари масалаларига доир. Адабиёт ва ҳаёт. – Самарқанд, 1977. – 2-сон. – Б. 49.

63 ghazals, 1 muhammas, 2 musaddas, 13 masnavi, 2 fard, 4 qita, 1 tarje'band (180 lines), 8 ta'rixs. Devon's poems in Turkish consist of 3490 verses. In the process of transforming the Shukuri devon, we have witnessed that the sequence of genres is not given to a certain degree of consistency. As the book "History of Uzbek Literature" rightly states: "Shukuri devon by its structure does not correspond to the official rules of devon. They do not have a certain sequence of genres, but are mixed, there is a special preface, and a lot of ta'rixs, Masnavis are provided with a title as a special commentary" ¹.

Devon started with a preface. The preface begins with praise and then continues with a praying dedicated to our Prophet Muhammad (peace be upon him). An important aspect of the preface is that it reflects issues such as the biography of the poet, the relationship between the ruler of the time and the poet, the history of the creation of the devon, the composition of the devon's genres. We read in the preface: "I had poem, ghazal, muhammas, ta'rix, masnavi, rubai and an arizai in Turkish and Persian. I completed some of them and compelled all of them in devon" ².

